

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ**

НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

УДК: 375.12

Магистратура бўлими

“Педагогика” кафедраси

5A140801 – педагогика мутахассислиги

НОРҚЎЗИЕВА МАНЗУРА

**ТАРБИЯ ПАРАДИГМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ
мавзусидаги магистрлик диссертацияси**

**“Ҳимояга тавсия этаман”
Магистратура бўлими бошлиғи
_____ Н.А.Ҳамедова
“___” _____ 2011 й**

**Илмий раҳбар: п.ф.н., проф.
_____ Н.М.Эгамбердиева
“___” _____ 2011 й.**

**“Педагогика” кафедраси
муdiri, п.ф.д., проф.
_____ Н.М.Эгамбердиева
“___” _____ 2011 й.**

ТОШКЕНТ – 2011

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	
1.1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш – муҳим педагогик муаммо сифатида.....	6
1.2. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмуни.....	12
1.3. Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлигини мавжуд ҳолати.....	18
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	33
II БОБ. ТАРБИЯ ПАРАДИГМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ	
2.1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда тарбия парадигмалари имкониятларидан фойдаланиш.....	34
2.2. Акмеологик ва коммуникатив парадигма воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришни амалга ошириш.....	41
2.3. Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари самарадорлиги.....	49
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	52
Умумий хулоса ва тавсиялар.....	53
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	55
Иловалар.....	64

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Инсон маънавияти унинг эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайдиган ва англаб етадиган ҳамда уларни ҳимоя қилиш ёки қондириш йўлида амалга оширадиган фаолиятининг мазмун-моҳиятини намоён этувчи энг асосий мезондир. Айнан шу сабабли юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда унинг маънавияти, эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасидаги муҳим мутаносибликни тўғри баҳолай олиш ҳамда шахснинг моддий эҳтиёжлари ва манфаатларини юксак маънавият меъёрлари орқали мушоҳада этиш ниҳоятда зарурдир.

Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечириши учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак... ўринли бўлади” [11, 67].

Бугунги кунда мамлакатимиз шиддат билан ривожланиб, халқимиз ўз олдида қўйган эзгу ва улуғ мақсадларга эришишга интилмоқда. Бу мақсадларга етиш учун ота-боболаримиз асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибаси, диний, ахлоқий, илмий, адабий қарашларни ифода этадиган маънавий мерос, маданий бойликлар, бемисл илмий-ижодий кашфиётларига таянамиз.

Бу бебаҳо меросдан қанчалик ёшларимизни кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда қудратли маърифий салоҳиятга эга бўламиз. Булар ёшларимизни миллий ўзлигини англайдиган, шу билан бирга дунёни чуқур ўрганган, замон билан ҳамнафас қадам ташлайдиган етук инсонлар бўлиб етишишига ёрдам беради.

Барчамизга маълумки, шахс тарбияси хилма-хил қадриятларга таяниб, амалга оширилади:

- трансцендентал (тарбияланувчини мутлақ қадриятлар – Ҳақиқат, Яратгувчига яқинлаштириш);
- социоцентрик (эркинлик, тенглик, меҳнат, тинчлик, ижод, инсонпарварлик ва бошқалар);
- антропоцентрик (индивидуаллик, фойдалилик, ўз-ўзини намоён этиш ва бошқалар).

Шахснинг ҳар томонлама камол топтиришдаги таянч қадриятларни белгилаб олиш ўз навбатида тарбиявий парадигмаларни танлаб олишга ҳам имкон беради.

Парадигма (грекча, *paradeigma*) сўзининг ўзи кенг маънода турмуш ва

фикрлашининг бирор соҳасининг фундаментал асосларини аниқлаб берувчи ўзига хос тузилишга эга назария [25] деб таржима қилинади. Тарбия парадигмалари деганда эса, тарбия мақсадига эришишни усулларини аниқлаб берувчи педагогик, антропологик, акмеологик ва коммуникатив ғоялар йиғиндиси тушунилади.

Иқтисодий маданият – шахс томонидан назарий ва амалий иқтисодий билимларни ўзлаштиришнинг энг юқори даражаси тушунилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Иқтисодий таълим-тарбия масалалари Шарқ мутафаккирлари Ибн, Сино, Беруний, Форобий, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Мирзо Улуғбек, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб асарларида ўз ифодасини топган.

В.К.Розов, Б.П.Шемякин, П.Р. Атутов, Ю.К.Васильев, А.И.Норбоева, А.С. Аменд, И.А.Сасова, З.А.Валиева, Х.Р.Матякубова ва С.Мусаевлар томонидан иқтисодий тарбия ишлари таҳлил этилган.

Иқтисодчи олимлар А.Хўжаев, Н.Бекназаров, Г.Шодиева, П.Т.Салимов, А.Ўлмасов, Қ.Р. Муракаев, М.Н.Зайнутдиновларнинг илмий-тадқиқот ишлари иқтисодий таълим-тарбия ишлари билан узвий боғлиқликда амалга оширилган.

Э.Ғозиев, М.Г.Давлетшин, В.Каримова, А.Жабборов, О.Ҳайитовларнинг тадқиқотларида тафаккур, иқтисодий тафаккурнинг психологик жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтилган.

Турли ёш давлари билан боғлиқликда иқтисодий билимларни шакллантириш мазмуни доирасида ҳам қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Х.Ж.Худойқулов бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари [58; 59; 60; 61; 62; 63; 64]; Г.Х.Эшмуродова ўспирин-ўқувчиларда иқтисодий билимларни шакллантириш [101] ва Н.Камолова педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий билимларни шакллантириш [33; 34]; Б.Собиров эса инновацион методлар орқали умумтаълим мактаби ўқувчиларида иқтисодий тушунчаларни шакллантириш[47]га доир илмий тадқиқотларни амалга оширишган.

Бироқ инновацион таълим шароитида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш муаммоси алоҳида тадқиқ этилмаган. Юқоридаги илмий далилларга таяниб, биз илмий тадқиқотимиз мавзусини **“Тарбия парадигмалари воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш”** тарзида танлашни мақсадга мувофиқ деб билдик.

Тадқиқотнинг мақсади – тарбия парадигмалари воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлигини асослаш.
2. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмунини аниқлаш.
3. Тарбия парадигмаларининг ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришдаги имкониятларини очиб бериш.
4. Акмеологик ва коммуникатив парадигма воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришни амалга ошириш.
5. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти – педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш жараёни.

Тадқиқот предмети – тарбия парадигмалари воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмуни, имкониятлари ва тарбия технологиялари.

Тадқиқот методлари: мавзуга оид илмий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш; муаммо бўйича таълим муассасаларида тўпланган илғор тажрибаларни ўрганиш; социологик-педагогик: кузатиш, суҳбат, анкета, тест; педагогик эксперимент, математик статистика.

Тадқиқотнинг методологик асослари: иқтисодиётни ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар таёрлаш миллий дастури”, Шарк мутафаккирларининг қарашлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иқтисодиётни ривожлантириш тўғрисидаги қарорлари, давлат таълим стандартлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ҳамда маърузаларидаги иқтисодиётни ривожлантиришга доир ғоялар, тарбия қонуниятлари ва тамойиллари, тарбия жараёнига аксиологик, акмеологик ёндашувлар.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги.

2. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмуни.

3. Тарбия парадигмаларининг ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришдаги имкониятлари.

4. Акмеологик ва коммуникатив парадигма воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш йўллари.

5. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш муҳим педагогик муаммо эканлиги асосланди.

2. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмуни аниқлаштирилди.

3. Тарбия парадигмаларининг ўқувчиларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришдаги имкониятлари ёритиб берилди.

4. Акмеологик ва коммуникатив парадигма воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш йўллари кўрсатиб берилди.

5. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти: тадқиқот натижасида тарбиявий ишлар методикаси фани педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир технологик ёндашувлар, фазилатлар тизими ва талаблар мажмуига эга бўлди. Шунингдек, педагогика назарияси фани тарбия парадигмалари воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир илмий-методик тавсиялар билан бойитилди.

Ишнинг тузилиши. Магистрлик диссертацияси кириш, икки боб, олти фасл, умумий хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, унинг умумий ҳажми 81 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш – муҳим педагогик муаммо сифатида

Мустақиллик Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожланиши учун янгидан янги имкониятларни очиб берди. Суверен давлатсифатида жаҳон ҳамжамияти мамлакатлари томонидан тан олинганлиги республика учун халқаро майдонда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш маъсулиятини юклади. Халқаро алоқаларни кенг кўламда ташкил этишга эришиш йўлида амалга оширилувчи асосий вазифалар жамиятнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш, эркин иқтисодиётни қарор топтириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш, чет эл капиталларини ишлаб чиқариш жараёнига фаол жалб этиш, валюта бозорини кенгайтириш, шунингдек, хорижий давлатлар билан тенг манфаатли шартномаларни тузишдан иборатдир. Бу вазифаларнинг муваффақиятли бажарилишида малакали мутахассисларни тайёрлаш, фуқароларнинг иқтисодий билим ва маданиятини ошириш, уларда мулкка эгалик туйғуси, моддий ва маънавий ашёлардан оқилона, мақсадга мувофиқ фойдаланиш, шунингдек, турли йўналиш ва кўламда тадбиркорлик фаолиятини ташкил эта олиш кўникмасини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва жамиятда бозор муносабатларини қарор топтириш давлат сиёсатининг етакчи йўналишларидан бири эканлигига эътиборни қаратган ҳолда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг иқтисодий билимларга эга бўлишлари муҳимлигини таъкидлайди: “Энг муҳими ҳамма бозор муносабатларига асосланган ривожланган жамиятни куриш – бу узоқ мураккаб жараён эканлигини, уни доимий равишда чуқур идрок қилиш ва зарур ҳолларда тузатишлар киритишни талаб қилишини англамоғи керак. Кишиларнинг тафаккурини, қотиб қолган тушунчаларни ўзгартириш айниқса муҳимдир”.

Халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистоннинг иқтисодиёт соҳадаги обрўйи ортиб бормоқда. ҳамдўстлик мамлакатлари, шунингдек, эътиборли халқаро ташкилотлар Ўзбекистон билан иқтисодий масалаларда ҳисоблашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: “Пировард мақсадимиз ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига, очик ташқи сиёсатга эга бўлган

кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этишдан иборатдир” [4, 9] - деган эди.

Иқтисодий тубдан ислоҳ қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг қуйидаги бешта тамойилига таянилди.

Биринчидан, иқтисодий таъқурадани батамом ҳоли қилиш, унинг сиёсатдан устун турмоғи ва ички мазмунини ташкил қилмоғи лозим. Айнан иқтисодий, уни янада ривожлантириш муаммолари ҳозирги сиёсатнинг -асосий мазмуни.

Иккинчидан, ўтиш даврида давлат – бош ислоҳотчи.

Учинчидан, бутун янгиланиш ва таракқийёт жараёни қонунларга асосланмоғи зарур.

Тўртинчидан, демография соҳасидаги реал аҳволни, аҳолининг мавжуд турмуш даражасини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларига ўтиш билан бир қаторда, одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тадбирларни олдиндан амалга ошириш керак.

Бешинчидан, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш лозим.

Бозор иқтисодига ўтиш инқилобий сакрашлар билан эмас, балки босқичма-босқич амалга оширилади.

Иқтисодий таракқийётда давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг роли ниҳоятда катта. Қайси мамлакатда иқтисодий, маданият ва маърифатни кўтариш, у ҳақда ғамхўрлик қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилган бўлса, ўша мамлакатда тинчлик, барқарорлик вужудга келади, илм-фан, маърифат ривожланади.

Сиёсий соҳада:

-халқнинг турмуш тажрибаси ва мамлакат аҳолисининг миллий ва маданий анъаналарига, барча ижтимоий гуруҳ ва қатламлар манфаатларига мос келадиган ҳақиқий демократик тамойилларни қарор топтириш;

-қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти ваколатларини ажратиш асосида миллий давлатчиликни барпо этиш;

-барча фуқароларнинг қонун олдидаги ҳуқуқий тенглигини ва қонун устуворлигини, жамият манфаатлари ҳимоя қилиниши ва аҳоли хавфсизлигини қафолатлайдиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш;

-Ўзбекистонда туғилган ҳар бир киши миллати, эътиқодидан қатъи назар, Республиканинг тенг ҳуқуқли фуқароси бўлишга муносибдир, деган инсонпарварлик қондасини рўёбга чиқариш.

Иқтисодий соҳада:

-миллий бойлик кўпайишини, Республика мустақиллигини, одамларнинг турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ривожланиб боровчи иқтисодиётни барпо этиш;

-ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, ташаббускорлик ва ишбилармонликни бутун чоралар билан ривожлантириш, тадбиркорликка эркинлик бериш, тажрибалар ва иқтисодий янгиликларни рағбатлантириш, иқтисодий омиллар воситасини ишга солиш.

Ижтимоий ва маънавий соҳада:

-инсонпарварлик ғояларига содиқлик;

-маънавият ва ахлоқийликни миллий анъаналар асосида қайта тиклаш;

-қадимий ва замонавий маданий бойликларни, адабиёт ва санъатни билиш ҳамда кўпайтириш;

-хурфикрлик, виждон ва дин эркинлигини қарор топтириш;

-ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, аҳолининг ночор қатламлари: кексалар, ногиронлар, етим-есирлар, кўп болали оналар, ўқувчиларни давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиш[58, 22-23].

Назарий таҳлиллар, амалий кузатишлар давомида педагогик ғояларнинг у ёки бу жиҳатини эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнига комплекс жиҳатдан ёндашган ҳолда унинг назарий жиҳатларини таҳлил қилишимиз лозим. Чунки, бундай таҳлил ва кузатишлар айтиш ҳақиқат бўлиб, биз назарий хулосаларимизни амалиётни кузатиш асосида ҳосил қиламиз ва айтиш шу амалиётга назарий ҳамда дидактик ишланмалар сифатида тақдим этамиз. Таълим-тарбиянинг турли қирралари ва муайян босқичларининг ўзаро алоқадорлиги ҳамда унинг мақсади, мазмуни давлат ва жамият томонидан таълим олдига қўйилган ижтимоий буюртмага мос тарзда белгилаб берилиши керак. Бугунги кунда тадқиқотчилар олдига таълим-тарбияга нисбатан бундай ягона назарий ёндашувни аниқлаш талаби қўйилмоқда. Мазкур ёндашув бирор бир таълим йўналиши ёки педагогик ғоянинг ривожланишига алоҳида қараш мумкин бўлмаган ҳолатлардагина зарурдир.

Таълимда бундай ёндашув ўқувчи шахси характерининг бир-бирига қарама-қарши томонлари кўриниши билан намоён бўлади. Масалан, бу ҳолат шахс ва жамиятнинг эҳтиёжлари, ўқувчининг жисмоний ва руҳий саломатлиги, мантиқий ҳамда образли тафаккурида яққол кўринади. Шу билан бир қаторда мазкур ёндашув мунтазамлик касб этувчи тоифаларга алоқадордир.

Бугунги кунга қадар таълимнинг барча босқичларида қуйидагилар назарда тутилмапти:

а) истиқболга йўналтирилган таълим мазмунида жамият ва инсоният учун қимматли бўлган қадриятларни ифодалаш;

б) ўқув-билув жараёнида аниқ ҳаракат қила оладиган, илғор ўқувчиларни шакллантириш.

Таълимнинг турли қирраларига турлича ёндашувлар орасида ўқув фанлариаро интеграциянинг мавжуд эмаслиги кузатиш ва таҳлиллар натижасида аён бўлди. Бунинг натижасида таълим жараёнида ўқувчи шахсининг ривожланиши учун зарур бўлган мувозанатнинг бузилиши вужудга келмоқди. Ўқитишнинг жамоавий шаклидан хусусийликка, атеистик тарбиядан диний тарбияга, қаттиқ қўллик, яқка ҳокимликдан мустақилликка ҳамда ўқув-билув жараёнининг режали бошқарув тизимида ўтилишига эҳтиёж сезилмоқда. Курашчанлик, эзгуликка интилиш, демократик нуқтаи назар, муваффақиятларга интилиш каби шахсий сифатлар ўқувчиларда кўпроқ шакллантирилиши лозим. Бу эҳтиёж биринчи навбатда мустақиллик омили туфайли рўй бераётган бўлса, яна бошқа бир томондан, ташқи дунё билан кенгроқ алоқа ўрнатилиши натижасида вужудга келмоқда.

Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишда ўқувчининг ўзига хослигини кўпроқ намоён қилишига имкон яратишга урғу бериш лозим. Бунда кўп фаолиятлиликка асосланган таълим жараёни элементларини уйғунлаштириш асосий ўринда туради.

Ўқув-билув жараёнини лойиҳалаштиришда ўқувчи шахсини ҳар томонлама ривожлантирувчи моделларини танлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Ўқувчини ақлий-интеллектуал жиҳатдан ривожлантиришга асосланган ўқув моделлари. Бу ривожлантирувчи ўқув тизими воситасида амалда татбиқ қилинади. Халқ оғзаки ижоди намуналари, ҳаракатли ва таълимий ўйинлар, компьютер дастурлари, машқ ва масалалар воситасида ўқувчиларнинг ақлий-интеллектуал, ижодий, ҳиссий қобилиятларини ривожлантириш назарда тутилади. Ўқувчи шахсига йўналтирилган ўқув-билув жараёнида таълим натижасининг сифати кафолатланади.

2. Ўқувчиларни экологик, иқтисодий билим ва тушунчалар билан қуроллантириш, ўлкамиз табиати, ноз-неъматлари, бойликларини асраш, тежаш, кўпайтириш руҳида тарбиялашга хизмат қиладиган ўқув моделлари. Буларнинг барчаси ўқув-билув жараёнини таҳлил қилган ҳолда амалга оширилган прогнозлаш натижаларидан келиб чиқиб, энг

самарали ўқувчи шахсини ривожлантирувчи ўқув моделларини танлаш имконини беради.

Ҳар қандай янги педагогик парадигма таълим жараёнини такомиллаштириш асосида ўқувчи шахсини ривожлантиришга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам ўқувчи шахсига йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этиш янги педагогик парадигма сифатида муҳим амалий қимматга эга. Ўқувчи шахсини ривожлантиришга йўналтирилган таълим жараёнида унинг ақлий-интеллектуал, ижодий, ҳиссий хусусиятлари намоён бўлади. Бу хусусиятлар уч босқичда рўёбга чиқади:

- а) ўқувчининг ақлий-интеллектуал, маънавий, ахлоқий ривожланиши;
- б) унинг ёшига кўра улғайиши;
- в) ўқувчи шахсининг мустақиллигида [27,7].

Иқтисодий билимлар шаклланишида муҳим омиллар ўқувчида иқтисодий дунёқарашнинг ўсишига ёрдам беради. Бу ўзаро боғлиқ бўлган иккита назарий ва эмпирик хусусиятга эга.

Назарий иқтисодий дунёқараш – бу инсонлар онгида иқтисодий муносабатлар, иқтисодий ғоялар, назария ва тушунчалардан иборат. Эмпирик дунёқараш шу пайтгача шаклланиб келган иқтисодий билимларни ўрганиш, уларни ҳаётга жорий этиш, иқтисодий ахборотлардан хабардор бўлиб туриш, оғир вазиятларда зудлик билан иқтисодий қарорлар қабул қилишдан иборат.

Иқтисодий фаолиятга тайёргарлик қуйидаги асосий компонентларни ўз ичига олади:

- иқтисодий талаб ва манфаат;
- умумий ўрта таълим мактабларининг иқтисодий тайёргарлиги;
- меҳнатга, ишлаб чиқарилган маҳсулотларга, атроф муҳит ва вақтга нисбатан иқтисодий муносабатларни шакллантириш.

Иқтисодий талаблар – бу жамият, ижтимоий гуруҳлар, сиёсий партиялар ва бошқаларга эришишга интилаётган ҳаётдаги моддий фаровонлик ва иқтисодий фаолиятнинг янгиша шакллари.

Ўқувчи-ёшларга иқтисодий тарбия беришда Шарқ мутафаккир-ларининг маънавий мерослари дастуриламал бўлади. Ал-Фаробий, ал-Бухорий, ал-Беруний, ибн Сино, Аҳмад Яссавий, ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, Амир Темур, Юсуф Хос Ҳожиб, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобурларнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти ҳар томонлама ривожланган, баркамол ёш авлодни тарбиялашда муҳим восита ҳисобланади.

“Буюк ипак йўли” Шарқ ва Ғарб ўртасида воситачилик вазифасини ўтаган. Бир сўз билан айтганда, “Буюк ипак йўли” Шарқ ва Ғарб халқлари ҳаётида тарихий аҳамият касб

этган. У халқларни сиёсий, иқтисодий, савдо ва маданий соҳаларда боғлабгина қолмасдан, балки айна замонда дунё халқлари ўртасида биродарлик йўли бўлган. Аждод-авлодларимиз руҳларини шод этиб, “Буюк ипак йўли” анъаналарини тиклаш ва унга сайқал бериш – озод, хур, эркин ва тинч яшашдан манфаатдор бўлган барча соф виждонли фуқароларнинг, миллати, ирқи, жинси, диний эътиқодидан қатъи назар, уларнинг муқаддас бурчи.

1.2. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш мазмуни

Фуқаролар, шу жумладан, ўспирин-ўқувчиларда иқтисодий тафаккур ва маданиятни шакллантиришнинг энг муҳим қафолати – бу уларга чуқур иқтисодий билимларни бериш, уларни мумкин қадар ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этишларини таъминлаш, улар томонидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини яратиш саналади.

Иқтисодий билимларга эгалик ўқувчилар томонидан иқтисодий ишлаб чиқариш жамият ҳаётининг асосий йўналишларидан бири эканлигини чуқур англанишига имкон бериш билан бирга уларда мавжуд моддий ва маънавий ашёлар, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, уларни кўпайтириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, жамият иқтисодиётини ривожлантириш йўлида амалий ҳаракатларни ташкил этиш ҳамда оила хўжалигини оқилona юритиш борасидаги дастлабки кўникма ва малакаларга эга бўлишларига имкон беради.

Иқтисодиёт кишилиқ муносабатларининг муҳим ва ажралмас қисми бўлиб, уни самарали ташкил этиш табиий эҳтиёжлар (ейиш-ичиш, кийиниш, яшаш ва ҳоказолар)ни қондиришга хизмат қилибгина қолмай, шахснинг маънавий жиҳатдан камолотга эришишида ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис турли ижтимоий тузумлар даврида ҳам ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этиш, такомиллаштириш, илм-фан, техника ҳамда технология соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқлардан фойдаланишмасалаларига жиддий-эътибор қаратиб келинган. Иқтисодиёт етакчи йўналишлардан бири сифатида жамиятнинг ижтимоий ва маданий тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатиши боис барча даврларда ҳам ҳар қандай давлат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Зардуштийлик ғояларига кўра иқтисод табиат ва унинг неъматларига нисбатан тўғри муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ҳамда кўпайтириш тўғрисида

кайғуришдан иборатдир. Бу ғоялар кейинчалик ислом динининг муқаддас манбалари Қуръони карим ва Ҳадиси шарифда ҳам янада ривожлантирилади ҳамда шахс фаолиятининг иқтисодга таъсири нуқтаи назардан аниқ баҳолашга эътибор қаратилади. Яъни, бу манбаларда мавжуд моддий ва маънавий ашёларни асраш, бойитиш йўлида амалга оширилувчи хатти-ҳаракатлар савоб, уларни исроф қилиш, нобуд этиш гуноҳ дея баҳоланган. Ўз асарларини исломий ғоялар негизида яратган Шарқ мутафаккирлари – Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Юсуф хос Ҳожиб, Амир Темур, Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат ҳамда Абдулла Авлониёлар шахснинг яратувчанлик фаолияти, деҳқончилик ва хунармандлик, оила хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарашларни илгари сурганлар[58; 33; 47; 101].

Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жамият иқтисодиётини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган иқтисодий сиёсат моҳияти, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш шартлари, тадбиркорларнинг ҳуқуқлари каби масалалар иқтисодий ва педагогик йўналишларда амалга оширилган бир қатор илмий тадқиқотнинг асосий йўналишлари саналади. Чунончи, Г.Бач, А.В.Глухов, Э.Д.Долан, Д.Е.Линдсей, Р.М.Кемрбелл, Кан Коле, Л.Б.Стенли, Майкл Мескон, Р.Самуелсон, Т.Хайлбронер, Л.Тароу, М.Тўхтаев, Ш.Эргашхўжаева, В.Эркаев, Г. Каримова, А.Ўлмасов, А.Қодиров, С.С.Ғуломовларнинг ишлари ана шундай тадқиқотлар сирасига киради[58; 33; 47; 101].

Умумий ўрта таълим мактабларида иқтисодий таълим ва тарбияни ташкил этиш, ушбу жараённинг самарадорлигини ошириш омиллари, педагогик шарт-шароитлари, тамойиллари ва мазмуни, ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларни чуқур ўрганиш йўлида намоён бўлаётган камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари, шакл, метод ва воситалари Ш.А.Саипназаров, Б.А.Райзберг, Аш Русселл, С.Фишер, Р.Донбуш, Р.Шмалензи, З.Валиева, М.Расулов, С.Саидов, Р.Алимов, Н.Хўжаев, А.Абдувоҳидов, Ш.Қобилов, Б.Собиров, Д.Джураев, Х.Умаров, Н.Камоловалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда ўз ифодасини топган[58; 33; 47; 101].

С.Саидов тавсифи бўйича “иқтисодий тушунчалар таълим-тарбиянинг ўрта махсус, касб-хунар тизимида ўқувчи ва талабаларнинг иқтисодий билимларни тўла-тўқис эгаллашлари учун замин яратади” [47].

Шчербаков А.И., А.В.Мудрикларнинг таъкидлашларича, “... иқтисодий тушунчаларни ўқувчиларда шакллантириш ўта жиддий масала бўлиб, бола оилада, меҳнат жамоасида кейинчалик ўзи фаолият кўрсатадиган корхонада турли иқтисодий вазиятларга киришиш натижасида қўллай олиш имкониятини яратади”.

“Жентельмен тарбияси”, авваламбор иқтисодий тушунчаларни қай даражада

ўзлаштирилганлиги билан белгиланади, - деб ҳисоблайди Торндайк (Torndejk, Animal intellegenshe, 1911) [47].

Истеъмол товарлари ва хизмат кўрсатиш соҳалари турли-туман бўлганлиги учун иқтисодий фаолият ҳам турличадир, шу сабабли “иқтисодий тушунчаларни ёшларда шакллантириш энг муҳим аҳамиятни касб қиладиган масалалар даражасига кўтарилган, деб ёзади С.С.Скибицкий [47].

Иқтисодий тарбия – ижтимоий тарбиянинг бир тури бўлиб, иқтисодий малака ва кўникмаларни эгаллашнинг мазмуни, усули ва ташкил этилиши масалаларини ўрганади.

Иқтисодий таълим жараёнининг моҳияти шу жараён учун характерли бўлган ва муайян қонуниятларда намоён бўладиган ички алоқа ва муносабатларни акс эттиради.

Иқтисодий таълим-тарбия жараёни шахсни мақсадга мувофиқ такомиллаштириш учун, яъни иқтисодий малака ва кўникмаларни эгаллаши учун уюштирилади ва тарбияланувчининг шахсига мунтазам ва тизимли таъсир этиш имкониятини беради.

“**Иқтисодий тарбия** орқали ишлаб чиқаришнинг жамиятда тутган ўрни, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучларнинг моҳияти, улар орасидаги узвий алоқадорликни ўргатиш, улар ҳақида ўқувчиларда касбга йўналтиришни кучайтириш асосида билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилинади”, - деб ҳисоблайди В.Ясвин (1997,67). Рус олими А.Холодович “Иқтисодий тарбия фуқароларнинг иқтисодий тафаккурини шакллантирувчи жараёндир...”, деган фикрни билдиради (Холодович, 2002, 91).

Иқтисодий тарбия жараёнининг хусусиятлари				
Кўп қиррали жараён	Узоқ муддат давом этади	Яхлит ҳолда ва концентрик асосда амалга ошади	Икки томонлама хусусият, ўқувчининг фаоллиги	Қарама-қаршилиқлар бирлиги

1.2.1-расм. Иқтисодий тарбия жараёнининг хусусиятлари

Ўспирин-ўқувчиларнинг уй-рўзғор, оила хўжалигини юритиш, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда бошланғич билим, кўникма ва малакаларига эга бўлишлари уларнинг келгусида мамлакат иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўша олувчи мутахассислар бўлиб етишишларида дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий билимларга эга бўлиш, шунингдек, ўспирин-ўқувчиларнинг келгусида малакали ишчи кучи; маъсулиятли фуқаро; билимдон истеъмолчи; эҳтиёткор жамғарувчи

ва уддабурон, табиркор сармоядор, глобал иқтисодиёт иштирокчилари ҳамда савдо-сотик, оила хўжалиги, ижтимоий бошқарув, моддий бойликларга нисбатан муносабатда тадбирли шахс бўлиш имкониятини яратади.

Ўспирин-ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш шахс иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи саналади. Бинобарин, мазкур босқичда ўспирин-ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларнинг таянч асослари ўзлаштирилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди муносабатларини ташкил этиш қоидалари билан яқиндан танишиш, ушбу жараённинг иштирокчиси сифатида фаолият юритиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароит мавжуд.

Бир қатор иқтисодий тушунчалар педагогика коллежларида амалга оширилаётган иқтисодий таълимнинг моҳиятини ёритишда муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида буни назарда тутган ҳолда айрим тушунчалар шарҳланди. Хусусан:

Иқтисодиёт – хўжалик фаолияти, ишлаб чиқариш, иқтисодий муносабатлар моҳиятини англатувчи муайян сўз ёки ибора.

Иқтисодий билим – ишлаб чиқариш жараёнининг моҳияти ҳамда иқтисодий муносабатлар мазмунини ёритувчи асосий маълумотлар мажмуи.


Иқтисодий таълим – давлат таълим стандартлари, махсус ўқув дастурига мувофиқ ташкил этилувчи ҳамда ўқувчиларга назарий иқтисодий билимларни бериш асосида уларда иқтисодий тафаккурни ҳосил қилувчи ўқув жараёни.

Иқтисодий тарбия – ўқувчилар томонидан ўзлаштирилган назарий-иқтисодий билимларга таянган ҳолда уларда муайян сифат (тежамкорлик, тадбиркорлик, оқиллик, уддабуронлик, коммуникативлик, вазиятни тўғри баҳолай олиш, меҳнатсеварлик, ишчанлик ҳамда бошқалар) ҳамда иқтисодий фаолият кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён.

Иқтисодий саводхонлик – ишлаб чиқариш, хўжалик фаолияти, иқтисодиёт, иқтисодий муносабатлар борасидаги бошланғич маълумотларга эга бўлиш.

Иқтисодий фаолият – шахснинг ишлаб чиқариш, хўжаликни юритиш ва иқтисодий муносабатларни ташкил этиш йўлида амалга ошираётган хатти-ҳаракатларининг умумий ифодаси.

Тадбиркорлик – мустақил маблағлар негизида муайян йўналишда ишлаб чиқариш, савдо-сотик ёки маиший хизматларни олиб бориш эвазига даромад, фойда олишга йўналтирилган фаолият.



1.2.2-расм. Ўқувчиларда иқтисодий маданиятни шакллантириш омиллари

Иқтисодий маданият – шахс томонидан назарий ва амалий иқтисодий билимларни ўзлаштиришнинг энг юқори даражаси.

Иқтисодий категориялар – доимо такрорланиб турадиган, иқтисодий жараёнлар ва мақбул ҳодисаларнинг айрим томонларини ифода этувчи илмий-назарий тушунчалардир.

Иқтисодий категориялар (илмий тушунчалар) кишилар томонидан ўйлаб топилмаган, балки мақбул иқтисодий ҳодисаларни ифода этадиган илмий тушунчалар бўлиб, илмий фикрлаш маҳсулидир. Масалан, *бозор, капитал, ишчи кучи, иқтисодий мувозанат, молия, кредит ва бошқалар шулар жумласидандир.*

1.3. Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлигини мавжуд ҳолати

Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлигини мавжуд ҳолатини ўрганиш мақсадида ўқув дастури, дарслик ва ўқув қўлланмаларининг

мазмунни таҳлил этилди. Шунингдек, “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани ўқитувчилари орасида сўровномалар ўтказилди. Ўқув-методик манбаларни муаммо нуқтаи назаридан ўрганиш қуйидаги ҳолат мавжудлигини кўрсатди: касб-хунар коллежлари, хусусан педагогика коллежида “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани академик лицейларнинг ноиқтисодий йўналишлари дастури бўйича ўқитилади. У 40 соатга мўлжалланган бўлиб, булардан 32 соати назарий машғулотларга, 8 соати эса амалий машғулотларга ажратилган.

Мазкур ўқув фани дастури ноиқтисодий йўналишдаги академик лицейлар битирувчилари учун мўлжалланган бўлиб, ундан педагогика коллежлари таълим жараёнида ҳам фойдаланилади. “Иқтисодиёт асослари” ўқув қўлланмасини ўрганиш жараёнида ўқувчи-ёшлар қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши назарда тутилган:

- бозор механизмининг ишлашини макро даражада ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш қонуниятларининг усулларини билиш;
- давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;
- давлатнинг пул-кредит, солиқ, ижтимоий ҳимоя, инвестиция ва инфляцияга доир сиёсатининг асосларини билиш;
- иқтисодий маълумот ва ахборотлардан ўз фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиши ва ҳоказолар.

Мазкур талаблар ўқувчиларнинг иқтисодиёт назариясидан ўрта умумий таълим мактабларида иқтисодиёт билим асослари фанидан олган билимларига таянади. Шу билан бирга Ўзбекистон қонунлари, Президент асарларини ўрганиш, корхона, банк, биржа, бозор ва кўرғазма марказларига саёҳатлар, иқтисодий билимларни чуқур ўзлаштирганлигини аниқлашга доир ижодий ишлар бажариш, қўшимча адабиётлар устида ишлаш каби иш усулларидан фойдаланишга ҳам эътибор берилган.

“Иқтисодиёт асослари” фани мазмунида қуйидаги мавзуларни ўрганиш ўқув режасига киритилган:

1. Иқтисодиётга кириш.
2. Иқтисодий тизимлар.

3. Бозор иқтисодига ўтишнинг Ўзбекистон модели.
4. Талаб ва таклиф.
5. Истеъмол ва даромад.
6. Фирмалар. Капитал. Фойда.
7. Рақобат ва бозор.
8. Қимматли қоғозлар бозори.
9. Давлат ва иқтисодиёт.
10. Солиқлар ва бюджет.
11. Макроиқтисодий кўрсаткичлар.
12. Иқтисодий юксалиш ва иқтисодий давр.
13. Меҳнат бозори ва ишсизлик.
14. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати.
15. Халқаро савдо.

Дастурда мазкур ўқув фани бўйича ўқувчиларнинг эгаллаши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалари ҳам белгилаб берилган. Улар:

эҳтиёжларнинг чексизлиги, ресурсларнинг чекланганлиги ҳамда иқтисодиётнинг моҳиятини тушунтириш;

- танлов муаммоси ва муқобил қиймат тушунчалари асосида муайян ҳаётий вазиятларда энг маъқул ечим топа олиш кўникмасига эга бўлиш;

- иқтисодий маълумот ва ахборотлардан ўз фаолиятида фойдалана олиш кўникмасига эга бўлиш;

- республикамизнинг иқтисодий салоҳиятини, Президент И.А.Каримов асарлари асосида мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсат асосларини ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг беш тамойилини билиш;

- иқтисодий тизимларни бир-биридан фарқлай олиш;

- бозор ва унинг турларини билиш, рақобат ва монополия тушунчаларининг моҳиятини очиб бера олиш;

- товар нархининг шаклланишида талаб ва таклифларнинг ўзаро таъсири ва бозор механизмнинг роли ҳақида тасаввурга эга бўлиш;

- иқтисодиётнинг давлат томонидан бошқарилиши, давлат молияси, пул-кредит ва бюджет-солиқ сиёсатининг моҳиятига тушуниб етиш;
- давлат бюджети, унинг даромад ва харажат қисмларини, солиқлар ва уларнинг турларини, энг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни таҳлил эта олиш ва уларни таққослаш кўникмаларига эга бўлиш;
- инфляция ва ишсизлик моҳиятини тушуниш;
- давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш воситалари, инфляция, ишсизлик ва монополияга доир чора-тадбирлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш;
- иқтисодий юксалиш, иқтисодий давр ва унинг босқичларини билиш;
- тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрни, шакллари ва ташкилий -ҳуқуқий асослари ҳақида тушунчага ва амалий кўникмага эга бўлиш;
- халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларнинг асослари билан танишиш ва Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётига кириб бориш истиқболлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш.

Мазкур талабларда, биз Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Иқтисодий концепция”сига урғу бериш ва ўқувчи-талабаларнинг олган билимларини ўз фаолиятларида қай даражада қўллай олишларини аниқлаш мақсадида амалиётда синаб кўришни ҳам ўз ифодасини топишини мақсадга мувофиқ деб билдик.

Шунингдек, мазкур дастурда амалий машғулотлар мазмуни, саволлар, фойдаланиладиган адабиётлар мавзулар доирасида белгилаб берилмагани ҳам ўқитувчиларда, ҳам ўқувчиларда қийинчилик пайдо қилади.

Биз тадқиқот жараёнида “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани, умуман иқтисодиёт соҳасида ўқитувчиларнинг, ўқувчиларнинг билим ва малакаларни ривожлантиришга доир ўз фаолиятлари жараёнида қандай иш олиб бораётганларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказдик. Сўровномада қуйидаги саволлар ўз ифодасини топган эди:

1. Сизнинг назарингизда, “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантириш борасида етарли имкониятларга эгами?
2. Сиз “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани дастуридан қаноатланасизми?
3. Машғулотларда назарий билимларнинг амалий кўникмага айланиши учун

ҳаракат қиласизми?

4. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришда назарий маълумотлар беришга асосий эътиборни қаратасизми ёки амалий машғулотларга?

5. Педагогика коллежи ўқувчи-ёшларида иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятларига сиз қандай баҳо бера оласиз?

6. Сизни педагогика коллежи ўқувчилари битирувчиларининг эгаллаган билим ва кўникмалари қаноатлантирадими?

7. Педагогика коллежи ўқувчи-ёшларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришнинг самарадорлигини оширишга доир қандай таклифларни билдирасиз?

Тажриба-синов ишларининг таъкидловчи босқичида сўровнома саволларига “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани ўқитувчиларидан 28 нафар ўқитувчи қатнашиб, улардан олинган жавоблар натижаси қуйидагича бўлди.

Биринчи саволга 23 ўқитувчи “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани педагогика коллежи ўқувчи-ёшларида иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришига “ижобий” баҳо берган ҳолда, беш ўқитувчи мазкур ўқув қўлланмасининг баъзи мавзуларини ўзлаштириш қийинлик қилишини таъкидлаган, талабаларнинг шахсий хислатлари (иқтисодиётни ўрганишга қизиқиш, унинг тарихий илдизлари, ўзига хос хусусиятларини билиш иштиёқи, ўз фаолиятида уни қўллай билиш) нинг ҳам муҳимлигини кўрсатиб ўтганлар, лекин сўровларда қатнашган респондентларнинг ҳар бири ҳам ўқувчиларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда “Иқтисодиёт асослари” ўқув фанининг муҳимлигини назардан четда қолдирмаганлар.

Иккинчи рақамли саволга жавоб қайтарар экан, фақат 9 нафар ўқитувчи “Иқтисодиёт асослари” ўқув фанидан тайёрланган ўқув дастурларининг мазмунидан қаноатланганларини ифода этган ҳолда, 19 нафар ўқитувчи ўқув дастури мазмунида иқтисодиётнинг ривожланиш тарихи, назарий билимларнинг амалий кўникма ва малакаларга айланишига оид йўл-йўриқлар, тавсиялар берилмагани, дастур академик тарзда яратилганлигини эътироф этганлар.

Учинчи саволга жавоб берар экан, респондентлардан 17 ўқитувчи иқтисодиётга доир машғулотларни ташкил этишда ўзлаштирилаётган назарий билимларнинг амалий

кўникма ва малакаларга айланиши учун машғулотларнинг ноанъанавий шакл ва методларидан фойдаланилаётгани, бўлажак ўқитувчиларнинг амалий фаолиятида қўллаши учун шарт-шароитлар яратилаётгани ҳақида фикр билдирганлар. 7 ўқитувчи эса бу борада мавзуларнинг мазмуни йирик ҳажмда эканлиги, улар фойдаланиши мумкин бўлган техника ва ахборот воситаларининг етишмаслиги, ёки йўқлигини таъкидлаган бўлсалар, 4 ўқитувчи уларнинг вазифаси фақат назарий билим беришдан иборат эмаслиги, амалий кўникма ва малакалар билим ва тафаккур асосида пайдо бўлиши мумкинлигини қайд қилганлар.

Тўртинчи саволга жавоб берган респондентлар эса қисман учинчи саволдаги жавобларни такрорлаш билан бирга 5 ўқитувчи ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантиришда назарий маълумотлар асосий ўринни эгаллашини таъкидлаган ҳолда, 11 ўқитувчи ҳам назарий билимлар, ҳам амалиёт бир хил аҳамиятга эга эканлигини, 12 ўқитувчи эса амалий фаолиятда иқтисодий билим ва кўникмалар ривожлана боради, деган фикрни билдирадилар.

Бешинчи саволга жавоб берган респондентлар эса ҳар бир фанни ўқитишнинг ўзига хос хусусиятлари бўлганидек, “Иқтисодиёт асослари”ни ўқитишнинг ҳам ўзига хос хусусиятлари мавжудлигини қайд этган ҳолда, педагогика коллежи ўқувчи-ёшларининг ҳам ёш хусусиятлари, ҳам касбий тайёрлигини ҳисобга олиш, айниқса ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни ҳамда унинг беш тамойилини билиш асосида “Иқтисодиёт концепцияси” талабларини тушунишини ҳисобга олиш керак деб таъкидлайдилар.

Олтинчи саволга жавоб берар экан, респондентлар педагогика коллежини битираётган ўқувчи-ёшларнинг “Иқтисодиётга доир билимлари” етарли эмаслиги, олган билимларини амалиётда қўллай олмаётганликлари, ёки ўз касбий малакаларини намоён этишга зарур иқтисодий билим ва кўникмага эга эмаслиги, ўз соҳаси бўйича тадбиркорлик ва ишбилармонлик, ижодкорлик ва ташаббускорлик хусусиятлари етишмаётганлиги маълум бўлганлигини таъкидлаганлар.

Еттинчи саволга жавоб берар экан, респондентлар қуйидаги таклифларни баён этганлар:

- касб-хунар коллежи, ҳусусан педагогика коллежлари учун яратилган

дастурларда ўқувчи-ёшларни иқтисодиётдан назарий билим бериш билан бирга ўқувчиларнинг малака ва кўникмаларини ривожлантиришга ҳамда амалий машғулотлар самарадорлигини оширишга ҳам эътибор берилса;

- педагогика коллежи хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда “Иқтисодиёт педагогикаси” ўқув фани сифатида дарслик, дастур, ўқув қўлланмалари яратилса;

- касб-ҳунар коллежи ўқувчиларининг иқтисодий таълим бўйича малакасини ошириш ва уларни иқтисодий ислохотлардаги янгиланишлар билан қуроллантириб борилса;

- иқтисодий таълим бўйича илғор педагогик технологиялар, таълимнинг ноанъанавий шаклларида фойдаланишга доир махсус курслар ташкил этилса;

- “Иқтисодиёт асослари” ўқув фанини ўқитиш бўйича илғор тажрибалар оммалаштирилса педагогика коллежи ўқувчи-ёшларининг билим ва кўникмаларини ривожлантиришнинг самарадорлигини ошириш мумкин.

Ўқитувчиларнинг саволномага берган жавобларидан шу нарса маълум бўлдики, кўпчилик ўқитувчилар ўқувчиларнинг иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантириш зарурлигини қайд этганлар ҳамда “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани билан чекланиб қолмаган ҳолда бошқа фанларни ўқитиш ва коллеж ҳаёти мисолида ҳам бу ишни амалга ошириш муҳимлигини таъкидлаганлар.

Ҳақиқатан ҳам иқтисодий тарбия кўпинча тежамкорлик ҳақидаги суҳбатлар билан чекланиб, унинг ўзига хос хусусиятлари: иқтисодий ҳисоб-китоб, иқтисодий режа кабилар назардан четда қолган.

Синф раҳбарлари ҳам ўз режаларида ўқувчилар меҳнатини илмий ташкил этиш, вақтдан унумли фойдаланиш кабиларга кам вақт ажратганлар.

Асосий имконият педагогика коллежи ўқувчилари иқтисодий билим ва кўникмаларини ривожлантиришда “Иқтисодиёт асослари” ўқув фани бўлиб, бу ўқув режасида асосий фанлардан ҳисобланади.

Иқтисодий таълим беришнинг мавжуд ҳолатини аниқлашда унинг асосий хусусиятларидан бири коллежда ўқув-тарбия жараёнини иқтисодий йўналиш, оила ва

жамоатчиликнинг ролини оширишдан иборат бўлиб, бу борада сўровномалар, интервьюлар олиш, кузатишлар олиб бориш, ҳужжатларни таҳлил этиш орқали маълум бир хулосага келдик: ўқувчиларга берилаётган иқтисодий билим ва кўникмалар маълум бир тизимни ташкил этмайди. Бу соҳадаги камчиликлардан яна бири ўқитувчиларнинг иқтисодий билим беришда самарали метод ва усуллар билан қуролланмаганлиги, яъни иқтисодиёт ўқитиш методикаси бўйича методик қўлланманинг яратилмаганлиги ҳамдир. Шунинг учун ўқувчилар ўрганилган билимларни тез унутадилар ва уни амалиётда қўллаш имкониятига эга эмаслар. Коллежларнинг барчасида ҳам ахлоқий-иқтисодиётга доир маърифий ишлар яхши ишга қўйилмаган.

Энг яхши коллежларнинг тажрибали ўқитувчилари тажрибасини ўрганиш - иқтисодий таълимни тизимли ташкил этишни кун тартибига қўйди. Бу эса илғор тажрибаларни вақтли матбуотда ёритиш заруриятини ҳам келтириб чиқарди. Шунинг учун ҳам иқтисодий таълимни фақат “Иқтисодиёт асослари” фанини ўрганишдагина эмас, балки тарбиявий соатларда, семинарларда, оилада бериш, яъни унга маълум бир тизим билан ёндашиш талаб этилмоқда.

Ўқувчиларнинг оиладаги фаолияти ўрганилганда эса ота-оналарнинг кўпчилиги фарзандларида тежамкорлик, иқтисодий ҳисоб-китоб, ишбилармонликни таркиб топтириш зарурлигини таъкидлайдилар.

Ҳақиқатдан ҳам 90 фоиз ўқувчи-ёшлар оилада маълум даражада хўжалик ишларини бажариб борадилар: уй топшириқларини бажарадилар, харид ишлари билан шуғулланадилар ва ҳоказо. Лекин ота-оналар билан суҳбатлардан шу нарса маълум бўлдики, улар ўз фарзандларига меҳнатни унумли ташкил этиш, оила бюджетини тақсимлаш кабиларни ўргатмаганлар. Ота-оналарнинг маълум қисми эса фарзандларини бўш вақтларида пул топишга рухсат берганлар. Деярлик барча ота-оналар ўз фарзандларининг шахсий харажатларини таъминлайдилар. Лекин нимага сарфлашини назорат этмайдилар.

Ота-оналарнинг аксарияти ўз фарзандларининг бўш вақтини назорат этади. Лекин уларнинг 3,1 қисмигина бўш вақтини режалаштириш, сарф-харажатни, ҳисоб-китобни юритилишига бефарқ қарайдилар. Оилада иқтисодиётнинг пала-партиш юритилиши, ота-

оналарнинг ўзларининг иқтисодий билим ва кўникмаларга эга эмасликларини кўрсатади.

Таъкидловчи тажриба-синов даврида ўқувчи-ёшларнинг ҳам иқтисодиётга доир билим ва кўникмаларини аниқлаш мақсадида сўровномалар ўтказдик. Мазкур сўровномалар педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодиётга доир билим ва кўникмаларини ривожланиш даражасини аниқлашга бағишланди.

Ўқувчи-ёшлар орасида биз қуйидаги саволномаларни тарқатдик:

1. Асосий иқтисодий тушунчалар меҳнат унумдорлиги, меҳнатга ҳақ тўлаш, истеъмол фондлари, маҳсулот қиймати, иқтисод тежамкорлиги, меҳнатни илмий ташкил этиш, сифат ва самарадорликнинг моҳиятини биласизми?

2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий тамойилларини ёзинг.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Иқтисодий концепция”сининг моҳияти нимада ва у қайси асарларида ўз ифодасини топган?

4. Моддий бойлик деганда нималарни тушунасиз? Маънавий бойликчи? Сиз уларни сақлаш учун нималар қилишингиз зарур?

5. Оила, мактаб, лицей, коллеж бюджети деганда нимани тушунасиз?

6. Таълимга кетган харажатлар нималардан иборат?

7. Меҳнатга қараб ҳақ тўлаш деганда нимани тушунасиз?

8. Бозор, нарх-наво ва бозорда муомала-муносабат, хўжалик ҳисоби ҳақида нималарни биласиз?

Педагогика коллежи ўқувчиларининг юқоридаги саволларга берган жавобларидан маълум бўлдики, меҳнат унумдорлиги, меҳнатга қараб ҳақ тўлаш, сотувчи ва харидор, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, коллеж бюджети, моддий ва маънавий бойликнинг фарқи, хўжалик ҳисоби каби тушунчаларни яхши билмайдилар.

Ўқувчи-ёшларнинг 19 фоиздан 22,7 фоизигина бозор иқтисодиётига ўтишнинг иқтисодий концепцияси ҳақида маълумотга эгалар. Саволларга берган жавоблардан ўқувчи-ёшлар иқтисодий тушунчаларининг маъносини бошқаси билан алмаштириб ёзганларининг ҳам гувоҳи бўлдик.

Ўқувчи-ёшларнинг баъзилари саволларнинг аксариятига жавоб бермаганлар. 25 фоизга яқин ўқувчи-ёшлар саволларга нотўғри жавоб берганлар.

Амалий машғулотларда эса оиланинг бир ойлик бюджетини тузишга доир ёки кирим-чиқимга доир 70-80 фоиз ўқувчи топшириқни бажара олмадилар. Ҳатто ўқувчилар ўзларига сарф этиладиган ўқув ашёлари, кийим-кечак, пойафзалларга кетган бир йиллик харажатларнинг ҳисоб-китобини бажара олмадилар. Ўзлари ўқиётган коллежнинг иқтисодий таъминоти, ҳар бир ўқувчи ёки ўқитувчига қилинаётган сарф-харажат ҳақида умуман тасаввурга эга эмаслар. Лекин мазкур ишбоп ўйинларда қизлар анча фаоллик кўрсатдилар.

Олиб борилган кузатишлар асосида шу нарса маълум бўлдики, ўқувчилар билим, малака ва кўникмаларни суғуштиришга қўлаштирадилар, ўрганганларини эса ҳаётда, амалиётда қўллаш имкониятига эга эмаслар, коллежни тугатгандан кейин эса иқтисодиётга доир олган билимларини ҳам унутиб юборадилар. Шунинг учун ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим олишлари билан бирга, уларни ўқитиш, иқтисодий фаолиятга жалб этиш ва синфдан ташқари жараёнда ҳам муҳимлигини аниқладик.

Айниқса, меҳнат қилиш, ўз меҳнати ва жамоа бўлиб меҳнат қилиш ҳамда унинг натижаларидан қаноат ҳосил қилиш, меҳнатнинг иқтисодий жиҳатларига, тежамкорликка риоя этиш иқтисодий малака ва кўникмалар ҳосил қилишда муҳимдир. Бу фаолият таълим муассасаси иқтисодий ҳаётининг барча жабҳаларида намоён бўлиши керак.

Биз олиб борган кузатишлар шуни кўрсатдики, коллеж биноси, унинг мебеллари, кабинетларининг жиҳози, спорт жиҳозлари, кутубхона фонди, дарсликлар қатъий назорат остида бўлиши муҳим. Акс ҳолда, назорат сусайганда ўқув биноси, унинг барча жиҳозлари, боғ майдони, аста-секин емирила бошлайди. Лекин бу назорат оқилона ташкил этилмаса, ҳар бир ўқувчининг онгига иқтисодий тежамкорлик тушунчаси, илми сингдирилмаса ва у амалий фаолиятда ўз ифодасини топмаса ижобий натижа бериши мумкин эмас.

Ўқувчиларнинг иқтисодий малака ва кўникмага эга эканлигини иқтисодий имткониятлар доирасида ва эҳтиёжларини ўрганиш ва таҳлил этиш мақсадида улар билан оила бюджети ва сарф-харажатлар бўйича оғзаки сўров ўтказдик. Бу харажатда ота-оналарнинг ойлик иш ҳақини ҳам ҳисобга олиш назарда тутилган эди. Лекин ўқувчиларнинг аксарияти ота-онасининг ойлик маоши ҳақида маълумотга эга эмаслиги

намоён бўлди. Айниқса, зиёли оилаларнинг фарзандлари ота-оналарнинг даромадларидан хабардор эмаслар. Бу ҳолат даромади мўл оилаларнинг фарзандларида кўпроқ сезилди. Чунки ота-оналар ўз фарзандларини оила қандай даромад ҳисобига яшаётгани ҳақида хабардор этмаганлар, мазкур ҳолат эса сердаромад оилаларда янада сезиларли даражада ортганлиги кўринди.

Оила бюджети борасидаги ҳисоб-китоблар шуни кўрсатадики, оилада қилинаётган сарф-харажатлар унинг даромадидан ортиқроқ бўлиб, фарзандлар бунинг нима эвазига қопланаётгани ҳақида маълумотга эга эмаслар. Шунинг учун ҳам иқтисодий талаб оила имкониятлари даражаси билан ўлчанмаётганлиги, фарзандлари нима эвазига таъминланаётгани оила бюджети нуқтаи назаридан муҳокамага мансублиги маълум бўлди.

Шунингдек, ўқувчиларнинг вақт бюджети кузатилганда ҳам (дарс ва синфдан ташқари машғулотларда хронометраж ўтказилганда) уларнинг машғулотларни ташкил этишда вақтни йўқотиши дарсда ўртача 5,1 минут, синфдан ташқари машғулотларда эса 5,3 минутни ташкил этди.

Ўқувчиларнинг кўпчилиги вақтни тўғри тақсимлаш, тўғри ташкил этиш, уни ҳисобга олиш, сарф қилиш ҳақида малакага эга эмаслар, вақтни илмий ташкил этишдан хабарлари йўқ. Уларнинг қизиқишлари келгуси касбий йўналиши нуқтаи назаридан ўрганилиши ҳамда иқтисодий билимларининг иқтисодиётнинг ҳозирги давр талабларига жавоб бермаслигини намоён этди.

Мавжуд ҳолатни ўрганишдан шу нарса маълум бўлдики, педагогика коллежи ўқувчиларнинг иқтисодий тайёргарлиги ҳаёт талабларидан анча орқада қолган.

Юқоридаги ҳолатга асосланиб, педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий тайёргарлигини аниқлаш учун қуйидаги мезонларни белгиладик. Асосий мезон ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий фаолияти, шахснинг иқтисодий хислатларининг жамиятнинг иқтисодий қонуниятларига, иқтисодий ривожланиш истиқболига ҳамда шахснинг ижтимоий фаолиятига мос келишидир. Мазкур умумий мезон билан бирга хусусий мезонлар ҳам мавжуд бўлиб, бу ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий тайёргарлиги даражасини аниқлашига ёрдам беради. Уларга: иқтисодий билимларни эгаллаб олганлиги, иқтисодий тафаккурнинг ривожланганлиги, амалий малакаларга эгалиги, амалий фаолият

кўникмасига эга бўлиши; иқтисодиётга доир билимларини жамият талабига мос ҳолда қўллай олиши.

Иқтисодий маданият шаклланганлигининг энг муҳим мезони эса, ҳозирги ислохотлар шароитида шахсда асосий иқтисодий сифатларнинг тарбияланганлик даражасидир. Улар меҳнатсеварлик, виждонлилик, тежамкорлик, режалилик, ишбилармонлик, тартиб-интизомлилик, тиришқоқлик, ишчанлик, ташаббускорлик, уздабурронлик, тартибсизликка мурасасизлик кабилардир.

Ўқувчиларда ушбу сифатларнинг ривожланиш даражаси қуйидаги шкалалар бўйича баҳоланди. Паст даража - “3” балл, ўрта даража - “4” балл, юқори даража - “5” балл, салбий сифатлар –“0” балл.

Тажриба – синов учун танланган 275 нафар ўқувчининг иқтисодий билим ва кўникмалари таҳлил этилганда, уларнинг иқтисодий тайёргарлиги қаноатланарли эмаслиги маълум бўлди. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларнинг ривожланиш даражаси улар билан маълум тизимда, самарали шакл ва методларни қўллаш асосида иш олиб боришни тақозо этди.

Ҳозирги таълим тизимида иқтисодий тарбиянинг, шу жумладан иқтисодий маданиятни шакллантиришнинг ҳам ўзига хос ички ва ташқи тизими мавжудки, бу тизим таълим муассасасида иқтисодиётга доир барча ишларни ўзаро алоқада ташкил этишни тақозо этди. Мазкур тизим бутун таълим жараёнида мавжуд бўлиб, маълум босқичларда амалга оширилади.

1. Иқтисодий таълим жараёнини моделлаштириш. У икки хил мақсадни: ўқитувчиларнинг тайёргарлиги ёки ўқувчиларнинг иқтисодий билим олишининг қай даражада йўлга қўйилишини назарда тутди.

2. Кузатиш, саволномалар асосида ўқувчилар, ўқитувчилар, коллежнинг шарт-шароитларини ўрганилади.

3. Ўқувчи-ёшларнинг мазкур ёш даврида шахс сифатида ривожланишининг истиқболини белгилаш ва шу асосда коллеж-оилада иқтисодий тарбия вазифалари амалга оширилади.

4. Иқтисодий билим ва кўникмаларнинг ривожланиш жараёнини режалаштириш

асосида унинг самарали йўллари, шакл ва методлари танланади. Режада ўқувчиларнинг фаолиятини турли кўринишлари, иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантиришнинг шакл ва методлари ўз ифодасини топиб, иқтисодий тарбиянинг ўқувчи шахсини шакллантиришга йўналтирилган бир бутун тизимида акс этади.

5. Ўқувчи-ёшлар фаолиятини ташкил этиш. Бу фаолият синфдан ташқари турли тарбиявий ишларни ўтказишни ўз ичига олиб, бу коллеж раҳбарлари, ўқитувчилар, ўқувчиларнинг кўргазмали тарғибот ишлари ҳамда сўз орқали амалга оширилади.

6. Назорат ва мавжуд ҳолатни ҳисобга олиш. Назорат жараёнида иқтисодий таълим натижалари ҳисобга олиниб, маълум ўзгаришлар киритилиши мумкин. Ҳисобга олишда эса тажриба натижалари ишлаб чиқилиб, амалдаги ҳолат билан таққосланади ва ўқувчиларнинг билим ва кўникмалари даражаси аниқланади.

7. Тажриба-синов натижаларини умумлаштириш. Тадқиқот давомида амалга оширилган ишлар яқунланади ва охириги хулосалар чиқарилади, тавсиялар берилади.

Шу мақсадда иқтисодий маданиятни шакллантиришни ташкил этиш дастури ишлаб чиқилди.

Мазкур дастур тузилиши жиҳатдан қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўқитувчиларнинг иқтисодий билимини ривожлантириш.
2. Ўқитувчиларни иқтисодий таълим соҳасига методик жиҳатдан тайёрлаш.
3. Ўқувчиларга бериладиган иқтисодий таълимни такомиллаштириб бориш.
4. Аудиториядан ташқари машғулотларда ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий билим асосида малакаларини ривожлантириш.

5. Ўқитувчилар ва ўқувчилар меҳнатини илмий ташкил қилиш, назарий билимларни амалиётда синаб кўриш.

6. Ўқувчилар меҳнатини ташкил этиш. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнатни ташкил этишнинг тамойиллари ва методлари асосида режалаштириш, ҳисобга олиш, назорат қилиш, хўжалик ҳисоби кабиларни билиб олишларига эришиш. Меҳнатни илмий ташкил этиш асосларини, иқтисодиёт элементлари, ишлаб чиқаришни ташкил этишни эгаллаб олишига эришиш.

7. Коллежнинг моддий таъминотига муносабат. Коллежнинг моддий техника

таъминотини сақлашга йўналтирилган меҳнатни ташкил этиш.

8. Вақтни тежашга доир педагогик ва ўқув меҳнатини илмий ташкил этиш. Ўқувчиларнинг режалаштиришга доир билим ва кўникмаларга эга бўлиши, назорат ва ҳисобга олиш, вақтни сарфлашга доир таҳлил; педагоглар ва ўқувчилар вақтини сарфлашга, вақтдан унумли фойдаланишга, синфдан ташқари машғулотлар, уй топшириқларини бажаришга ҳамда бўш вақтга сарф этилган вақтнинг ҳисобини англаб этиш.

9. “Ўзбекистон – Ватаним маним”, “Ниҳол”, “Зулфия” мукофоти совриндорлари, спорт, бадий ижодкорлик, ҳаваскорлик танловларининг иқтисодий томонларини ўрганиш.

10. Иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришга доир кўргазмали тарғибот-ташвиқот ишлари.

11. Иқтисодиётда билим ва кўникмаларни ривожлантиришга доир кутубхона ишининг тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантириш.

12. Коллеж ўқитувчилари ва ота-оналар ўртасида иқтисодий билим ва малакаларни ривожлантиришга доир ўзаро алоқа ўрнатиш.

13. Коллеж ва ҳомий ташкилотларнинг коллежнинг моддий, иқтисодий таъминотини яхшилашга доир фаолиятини ташкил этиш.

Мазкур дастур асосида илмий-тадқиқот ишини амалга оширишда таълим ва тарбия жараёнини мақсадга мувофиқ ташкил этиш муҳим аҳамият касб этди.

Биринчи боб бўйича хулосалар

1. Иқтисодий маданиятни шакллантириш – мураккаб педагогик жараён бўлиб, ўқувчиларда иқтисодий онг, хулқ-атвор ва малакалар тизимини яхлит таркиб тптиришга қаратилгандир.

2. Иқтисодий маданият аниқ фазилатлар тизимини талаб этиб, уларга меҳнатсеварлик, виждонлилик, тежамкорлик, режалилик, ишбилармонлик, тартиб-интизомлилик, тиришқоқлик, ишчанлик, ташаббускорлик, удабурронлик, тартибсизликка мурасазлик кабиларни киритиш мумкин.

3. Ўспирин-ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш шахс иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи саналади. Бинобарин, мазкур босқичда ўспирин-ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларнинг таянч асослари ўзлаштирилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди муносабатларини ташкил этиш қоидалари билан яқиндан танишиш, ушбу жараённинг иштирокчиси сифатида фаолият юритиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароит мавжуд.

II БОБ. ТАРБИЯ ПАРАДИГМАЛАРИ ВОСИТАСИДА ПЕДАГОГИКА КОЛЛЕЖИ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

2.1. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда тарбия парадигмалари имкониятларидан фойдаланиш

Барчамизга маълумки, шахс тарбияси хилма-хил қадриятларга таяниб, амалга оширилади:

- трансцендентал (тарбияланувчини мутлақ қадриятлар – Ҳақиқат, Яратгувчига яқинлаштириш);
- социоцентрик (эркинлик, тенглик, меҳнат, тинчлик, ижод, инсонпарварлик ва бошқалар);
- антропоцентрик (индивидуаллик, фойдалилик, ўз-ўзини намоён этиш ва бошқалар).

Шахснинг ҳар томонлама камол топтиришдаги таянч қадриятларни белгилаб олиш ўз навбатида тарбиявий парадигмаларни танлаб олишга ҳам имкон беради.

Парадигма (грекча, *paradeigma*) сўзининг ўзи кенг маънода турмуш ва фикрлашининг бирор соҳасининг фундаментал асосларини аниқлаб берувчи ўзига хос тузилишга эга назария[25] деб изоҳланади.

Тарбия тушунчасининг икки хил маъносини ажратиб олиш зарур: тарбия жараён сифатида ва тарбия натижа сифатида. Кўпинча яхши тарбияланганлик ёки ёмон тарбияланганлик ҳақида гапирилади. Бироқ тарбияда мақсадга эришилганлик эмас, унга эришиш усуллари муҳим аҳамиятга эга.

Инсон туғилганидан то умрининг охиригача тарбияланиб боради. Мазкур тарбиявий таъсир, табиий равишда, шахснинг ёши, ижтимоий мақоми, ҳолати кабилар билан ўзгариб боради. Педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида ҳозирги вақтда тарбиявий жараён амалга ошадиган тўрт – педагогик, андрологик, акмеологик ва коммуникатив парадигмасига эга. Уларнинг ҳар бири аниқ шарт-шароитларда ўзининг қўлланилиш усулларига эга. Турли парадигманинг қўлланилишида тарбия мазмуни турлича намоён бўлади.

1. Педагогик парадигма. Педагогик парадигма концепцияси инсонни тарбиялаш мажбурлаш, талаб этиш каби ташқи таъсирлар тизимидан иборат. Шунинг мазкур тарбия парадигмасида тарбияланувчи тарбия мазмунини, тарбия жараёнидаги унинг заруриятини

англаб етмайди, деб ҳисобаланади. Шунинг учун қўйилган мақсадга эришишнинг яғони йўли – мажбурлашдир.

2. Андрологик парадигма. Мазкур парадигмада тарбияланувчи тарбия жараёнини англайди, ўз олдига аниқ мақсад қўяди ва уларга эриша олади, деган концепция ётади. Мазкур вазиятда педагогнинг вазифаси инсоннинг бу йўлдаги ҳаракатини қўллаб-қувватловчи фацитаторлик роли билан алмашинади.

3. Акмеологик парадигма. Акмеологик парадигмада тарбия жараёнида инсоннинг ўз фаолияти чўққисига эришиши, ўз салоҳияти имкониятларини амалга ошира олиши учун максимал ёрдам бериш кўзда тутилади. Мазкур ёндашув ижодий йўналганликка эга бўлиб, исноний муносабатларда максимал индивидуалликка эришиш намоён бўлади. Мазкур вазиятда тарбиячидан катта ҳарфлар билан ёзиладиган ШАХС бўлиш талаб этилади.

4. Коммуникатив парадигма. Коммуникатив парадигма концепцияси ривожланиш даражасига кўра бир хил гуруҳга мансуб инсонларнинг мулоқоти ва биргаликда таракқий этиши масаласини кўриб чиқади. Ўзаро мулоқот жараёнида инсонларни такомиллашига хизмат қилувчи ахборотлар, билим ва кўникмалар алмашинади. Илмий соҳада бу хилма-хил симпозиумлар, конференциялар, семинарлар шаклида амалга ошади. Коммуникатив парадигма хилма-хил гуруҳли психологик тренинглари асосидан ташкил топади.

Мазкур парадигмалар орасидан иккитаси – акмеологик ва коммуникатив парадигмалар педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

Акмеологик парадигма (А.А.Деркач[24], Н.М.Эгамбердиева[100]), Н.А.Муслимов[36]) педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг илмий асоси сифатида уларнинг мазкур жараён иштирокчилари, касбий фаолиятнинг етук шахслари ва фаол субъектлари тарзида намоён бўлишларига асосланади ҳамда уларнинг субъект ва бўлажак мутахассис сифатида босқичма-босқич, узлуксиз ўз-ўзини такомиллаштириши ва ўз-ўзини ривожлантириши учун шароит яратади.

Акмеологик нуқтаи назардан иқтисодий маданият иқтисодий жараёнларнинг тезлиги, натижавийлиги, ўзига хослигини, бундан ташқари иқтисодий янгиликларни яратиш, идрок этиш, амалиётга татбиқ этиш қобилиятини ҳамда мазкур жараённи амалга ошишини таъминловчи психологик механизм – рефлексияни тавсифлаш учун таянч тушунча вазифасини бажаради. Н.Г.Алексеев ва И.Н.Семеновлар амалий фаолиятни таҳлил этиш асосида қўшқатламли (биринчи қатлам – фаолият, иккинчиси эса, метеқатлам – унинг рефлексив ташкилланиши) амалий-йўналтирилган билимлар тушунчасини

қўллашни таклиф этишди[19, 3-4].

И.О.Сорокинанинг фикрича, касбий иждорликнинг ривожланиши хилма-хил қобилиятларнинг акс этиши билан боғлиқдир. Акмеологик қобилиятлар – ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини намоён этиш кабилар инсон ҳаётининг фаолияти жараёнида муҳим аҳамият касб этади, бироқ уларнинг айнан жадал ривожланиши аутопсихологик компетентликнинг ривожланиши натижасида содир бўлади.

Шахсий аутопсихологик қобилиятларга қуйидагилар киради: 1) умумий – ўз-ўзига муносабат, ўз-ўзини бошқаришга қодирлик; 2) билишга доир – ривожланиш психологияси ва фақат инсонгагина хос юқори онг даражаси сифатидаги интеллект; 3) когнитив – иждодий фаолиятнинг акмеологик мазмунида когнитивлик ўз-ўзини англаш ва касбий фаолиятнинг ўзаро ҳаракатида акс этади; 4) креатив – иждодий вазифаларни ностандарт ҳал этиш йўллариини излаб топиш, янги тимсолларни тасаввур қилиш ва яратиш; ижтимоий-перцептив – ижтимоий-перцептивлик акмеологик мазмунда ўз-ўзини баҳолашнинг шахслараро ўзаро ҳаракатида акс этади; эмпатияга доир – эмоционал таъсирга берилувчанлик; эмоционал таъсирларга мослашувчанлик[48, 12].

Коммуникатив парадигма асосини мулоқот жараёни ташкил этади. Психологик луғатларда мулоқот тушунчасига икки хил таъриф берилади:

1) мулоқот – ҳамкорликдаги фаолият эҳтиёжи билан тақозоланган алоқа ўрнатиш ва уни ривожлантириш жараёни.

2) мулоқот – белгилар тизими орқали субъектларнинг ўзаро таъсирла-шуви[36, 8].

Мулоқот – таълим олувчининг психологик ва ижтимоий ривожининг муҳим омилларидан бири бўлиб, биргаликдаги фаолиятда умумий натижаларга эришиш, шахслараро муносабатларни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро ҳаракати. Мулоқот мотивлари боланинг асосий эҳтиёжлари билан тиғиз боғланаган бўлиб, ана шу асосдан келиб чиқиб уларни уч муҳим категориясини ажратиш мумкин: билиш, ишбилармонлик, шахсий.

Психологияда мулоқотни таҳлил қилишда унинг турли жиҳатларига эътибор қаратилади: «коммуникация» (ахборот алмашув), «ижтимоий пер-цепция» (инсонни инсонни идрок этиши ва тушуниши), «интеракция» (бир-галикдаги ҳаракат). Амалий мулоқот мазкур таркибий қисмларнинг йиғин-диси сифатида юзага чиқади. Мулоқот – шахслараро муносабатларнинг асосий кўриниши бўлиб, унинг ёрдамида одамлар бир-бирлари билан ўзаро руҳий жиҳатдан алоқага киришадилар, ўзаро ахборот алмашадилар, бир-бирларига таъсир ўтказадилар, бир-бирларини ҳис қиладилар, тушунадилар.

Шунинг учун мулоқот ижтимоий-психологик ҳодиса сифатида ижтимоий

турмушнинг барча соҳаларида иштирок этиб, ҳамкорлик фаолиятининг моддий, маънавий, маданий, эмоционал, мотивацион қирраларининг еҳтиёжи сифатида вужудга келади. Инсонда юзага келадиган ҳар хил еҳтиёжларни мақсадга мувофиқ равишда қондириш мулоқот маромига боғлиқ бўлиб, шахслараро муносабат баркамол авлод, комил инсон ғоялари қарор топишига хизмат қилади. Мулоқот муваффақиятининг негизи шахснинг руҳий дунёси, еҳтиёжлари мотивацияси, характер хислати, индивидуал-типологик хусусияти, қобилияти, еътиқоди каби фазилатлар, сифатлар намоён бўлиши, ривожланиши ҳисобланади.

Мулоқот ташқи ижобий таъсирлар, намуналар асосида ўзини-ўзи тузатиш, қайта тарбиялаш, шахсий имкониятини рўёбга чиқариш учун пухта замин ҳозирлайди, комиллик сари йетаклайди.

Баркамол инсонларнинг муомала мароми, мулоҳаза юритиш услуби, муносабатга киришиш укувчанлиги, вазиятдан чиқиш салоҳиятига бошқа одамлар ҳам тақлид қилади ва ҳаёт тажрибасида унга риоя этиб яшайди. Одамлар ўртасидаги шахслараро муносабат жараёнида ғайритабiiй ижтимоий ҳолат ёки ҳодисага онгли таяниш — ўзини-ўзи мукамаллаштириш, рўёбга чиқариш, бошқариш, баҳолаш, ўзига-ўзи буйруқ бериш шахснинг руҳий дунёсида муҳим камолот босқичидир. Шунинг учун ички ва ташқи тақлидни тушуниш ҳамда босқичма-босқич егаллаб бориш — бўлғуси мутахассиснинг касбий тайёргарлиги ҳамда баркамол шахс сифатида шаклланишининг гаровидир.

Мулоқотга кириша олмасликнинг асосий сабаби — ўзини-ўзи ортиқча ёки паст баҳолаш туфайли ўзига ва уни қуршаб турган одамларга нотўғри муносабатдир. Бунинг олдини олиш имкониятлари мавжуд бўлиб, асосан, қуйидагиларга аҳамият бериш ижобий самара беради:

1) ҳамкорлик фаолиятида, мулоқотлар тизими орқали мулоқот жараёнининг барча аъзолари ўртасида инсонпарварлик муносабатларини ташкил қилиш, эмоционал муҳитни таққослаш имкониятини юзага келтириш;

2) мулоқотда ички муносабатлар тизимида ҳар бир аъзонинг қулай мавқеини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш;

3) инсоннинг мулоқот хусусиятлари, мароми, усуллари, шакллари тўғрисидаги ахборотни егаллашига оид махсус машғулотларни уюштириш.

4) шахслараро муносабатлар ва мулоқот усулларига мўлжалланган ишбилармонлик ўйинлари, психодрама, тренинг тизимини яратиш.

Инсон ўзини идора қилиш, турли вазиятларда ўзини тутиш фазилатлари ўзлаштирилаётган даврда баъзи бир қоидаларга риоя қилса, ҳамкорлик жараёнида маълум

ютукларга еришади:

1. Ижтимоий ҳодисаларнинг ташқи воқе бўлиши ички руҳий ҳолат ва унинг мазмунини акс еттириб икки томонлама алоқа туфайли мазкур жараён юзага келади.

2. Ихтиёрий, фаол диққатнинг ташқи объектларга ёъналтирилганлиги ва тўпланганлиги турли омиллар таъсири туфайли самарадорлик даражасини пасайтиради, асабий ҳолат ишчанликни камайтириб, мулоқот маромига путур йеткази.

3. Инсон ўзини еркин, озод, бемалол ҳис етиш ҳислатини ўзлаштириши учун жисмоний кескинлик, асабий таранглик, ақлий зўриқиш орқали кўзланган мақсадига йетиши мумкин.

Шахснинг ҳар томонлама шаклланишида мулоқотнинг аҳамияти катта. Оддий нарсаларни ўрганиш учун ҳам тақлид орқали ўзаро мулоқотда бўлиш зарур. Жамият қонун-қоидаларига асосланган ҳолда муносабатлар ривожланади. Индивидбилан шахс мулоқоти ўртасида жуда катта фарқни кўриш мумкин. Масалан, гўдак, руҳий касал, онги паст ривожланган кишиларнинг мулоқоти билан йетук ривожланган, онги юксак кишининг мулоқоти ўртасида катта фарқ бор. Онгли шахс мулоқотни бошлашдан аввал миёсида ўйлайди, сўзларини режалаштиради. Шахснинг жисмоний, ақлий, ахлоқий ва естетик ривожланишида мулоқотнинг ўрни катта. Масалан, ахлоқий ривожланиш учун оилада, мактабда, боғчада болага катталар мулоқот орқали таъсир қиладилар. Шунингдек, естетик, ақлий, жисмоний ривожлантириш учун ўқувчига ўқитувчи мулоқот орқали таъсир етишга ҳаракат қилади. Демак, мулоқот таъсир қилиш воситаси бўлиб ҳам хизмат қилади.

Мулоқотнинг муваффақиятли бўлишида шахснинг шаклланган сифатлари, фазилатларининг аҳамияти жуда катта. Жумладан, шахсда ижобий фазилатлар яхши шаклланган бўлса (хушмуомалалик, камтарлик, инсонпарварлик, тўғри сўзлилик, виждонлилик кабилар) мулоқот жараёни яхши ўтади. Чунки шахслар бир-бирини тўғри тушунишлари учун, мулоқот муваффақиятли бўлиши учун улар самимий бўлишлари лозим. Самимийлик инсоннинг енг ажойиб фазилатларидан бири бўлиб, воқеа-ҳодисаларга оқилона муносабатда бўлиш, турли таъсирларга берилмасликдир.

Мулоқот жараёнида ва ҳамкорлик фаолиятида ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир ўтказиш натижасида улар:

- ўзини-ўзи ва ўзгаларни хурмат қилиш;
- ўзини-ўзи ва бошқалар фаолияти, хулқини баҳолаш;
- ўзини-ўзи ва ўзгаларни назорат қилиш;
- ўзини-ўзи англаш ва ўзгаларни тушуниш;

-ўзини-ўзи бошқариш (ҳам билиш фаолиятида, ҳам хулқ-атворида)

-ўзини-ўзи такомиллаштириш ва янги фазилатларни егаллаш;

воқеилик махсулини олдиндан башорат қилиш шаклланади.

Дўстона мулоқот ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида билимларни пухта ўзлаштиришни таъминлайди ва мукамал шахсий фазилатларни таркиб топтиришга хизмат қилади.

Мулоқот жараёнида мотивацияга хис-туйғуга, шахсга оид билишга таъллуқли, бошқарув хусусиятли низолар, қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, ҳолатлар, вазиятлар, вужудга келиши мумкин. Бу муаммоларни хал қилишдан кўра олидини олиш лозим. Шунга қарамасдан мулоқот ва шахслараро муносабатларда талаба билан ўқитувчи ўртасида турли даражадаги айрим низоли ҳолатлар учраб туради:

1. Ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида фикрий яқдиликни юқлиги;

2. Фойда наф туғрисидаги ижтимоий муаммода шахсий-фикрий қарама-қаршилиқ мавжудлиги;

3. Айрим маънавий тўсиққа эга еканлиги.

4. Нарса ва ходисаларнинг шахсий маъно касб этиши.

5. Эҳтиёжларнинг нуфузлилиги.

6. Фаолият муомала хулқ уйғунлигининг бузилиши кабилар.

Психология фанида мулоқот инсонларнинг ўзаро тушуниш сифатида талқин қилинади.

а) Стереотипизация. (аждодлар томонидан одатлар, ақидалар ҳеч ўзгаришсиз ҳозирги замон одамларининг фойдаланиши).

б) Идентификация (таклид қилиш, идеалдаги хислатларни ўзида шакллантириш)

в) Рефлексия (ўз имконияти ва хулқ-атворини билиш, мулоқотдошнинг одоби, фаҳм-фаросатни англаш) кабилар.

2.2. Акмеологик ва коммуникатив парадигма воситасида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришни амалга ошириш

Инсон маънавияти унинг эҳтиёжлари ва манфаатларини белгилайдиган ва англаб етадиган ҳамда уларни ҳимоя қилиш ёки қондириш йўлида амалга оширадиган фаолиятининг мазмун-моҳиятини намоён этувчи энг асосий мезондир. Айнан шу сабабли юксак маънавиятли шахсни шакллантиришда унинг маънавияти, эҳтиёжлари ва манфаатлари ўртасидаги муҳим мутаносибликни тўғри баҳолай олиш ҳамда шахснинг

моддий эҳтиёжлари ва манфаатларини юксак маънавият меъёрлари орқали мушоҳада этиш ниҳоятда зарурдир.

Президент Ислом Каримов таъкидлаб ўтганидек: “Инсонга хос орзу-интилишларни рўёбга чиқариш, унинг онгли ҳаёт кечирishi учун зарур бўлган моддий ва маънавий оламни бамисоли парвоз қилаётган қушнинг икки қанотига қиёсласак... ўринли бўлади” [11, 7].

Маълумки, бугунги кунда педагогика коллежи ўқувчиларининг маънавиятини шакллантириш масаласида доимий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур тадқиқотлар билан бир қаторда моддий маданиятга масъулиятли муносабат (бизнинг тадқиқотимизда иқтисодий маданият – таъкид бизники)ни таркиб топтиришга доир методик ишланмаларнинг яратилиши бугунги кун учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки ўспирин-ўқувчиларнинг уй-рўзғор, оила хўжалигини юритиш, имкон қадар тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда бошланғич билим, кўникма ва малакаларига эга бўлишлари уларнинг келгусида мамлакат иқтисодиёти равнақига муносиб ҳисса қўша олувчи мутахассислар бўлиб етишишларида дастлабки қадам бўлиб хизмат қилади. Иқтисодий маданиятга эга бўлиш, шунингдек, ўспирин-ўқувчиларнинг келгусида малакали ишчи кучи; маъсулиятли фуқаро; билимдон истеъмолчи; эҳтиёткор жамғарувчи ва уддабурон, тадбиркор сармоядор, глобал иқтисодиёт иштирокчилари ҳамда савдо-сотик, оила хўжалиги, ижтимоий бошқарув, моддий бойликларга нисбатан муносабатда тадбиркор шахс бўлиш имкониятини яратади.

Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий тафаккур ва маданиятни шакллантиришнинг энг муҳим кафолати – бу уларга чуқур иқтисодий билимларни бериш, уларни мумкин қадар ишлаб чиқариш жараёнларида бевосита иштирок этишларини таъминлаш саналади. Ана шундай муҳим заруриятдан келиб чиқиб, педагогика коллежларида “Иқтисодиёт асослари” фанини ўқитиш йўлга қўйилган. “Иқтисодиёт асослари” фани мазмунида қуйидаги мавзуларни ўрганиш кўзда тутилган: 1. Иқтисодиётга кириш. 2. Иқтисодий тизимлар. 3. Бозор иқтисодига ўтишнинг Ўзбекистон модели. 4. Талаб ва таклиф. 5. Истеъмол ва даромад. 6. Фирмалар. Капитал. Фойда. 7. Рақобат ва бозор. 8. Қимматли қоғозлар бозори. 9. Давлат ва иқтисодиёт. 10. Солиқлар ва бюджет. 11. Макроиқтисодий кўрсаткичлар. 12. Иқтисодий юксалиш ва иқтисодий давр. 13. Меҳнат бозори ва ишсизлик. 14. Давлатнинг макроиқтисодий сиёсати. 15. Халқаро савдо.

Педагогика коллежлари таълим жараёни билан танишиш, ўқитувчи ва ўқувчилар билан ўтказилган индивидуал ҳамда жамоавий тарздаги суҳбатлар шуни кўрсатадики, “Иқтисодиёт асослари” фанини ўқитишда таълим олувчиларда аниқ иқтисодий жараёнларга

доир тасаввурларни шакллантиришга хизмат қилувчи таълим стратегияси – график органайзерлардан фойдаланиш мазкур жараён самарадорлигини кафолатлайди.

Юқоридаги фикрларни ҳисобга олган ҳолда, биз қуйида педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда график органайзерлардан фойдаланишга доир мисолларни келтириб ўтамиз.

График ташкилотчилар ўқувчилар бирор бир мавзу юзасидан маълумотларга эга бўлгач, ушбу воқеа юзасидан мустақил фикр юритишга ёрдам беради. Бундан ташқари, улар ўқувчиларнинг билиш мустақиллиги учун энг зарур бўлган кизиқиш, эҳтиёж, интилиш каби мотивларни пайдо қилади[57, 149]. Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда “Т-чизма”, “Венн диаграммаси”, “Балиқ скелети”, “Қандай?” диаграммаси, “Нима учун?” каби график органайзерлардан фойдаланиш яхши самара беради.

“Т-чизма”. “Т-чизма” мунозара вақтида қўшалок жавоблар (ҳа/йўқ, тарафдор/қарши) ёки таққослаш-зид жавобларни ёзиш учун универсал график органайзер ҳисобланади. Масалан, “Истеъмол ва фойда” матнини “тарафдор ва қарши” тамойилига асосланиб ўқилганидан сўнг, бир жуфт ўқувчи қуйида келтирилганидек, Т-чизмани тузиши ва беш дақиқадан кейин, чизманинг чап томонида нарх-навони кўтарилиб кетишининг олдини олиш имкониятларини ёзиши мумкин. Сўнгра беш дақиқа мобайнида улар бу фикрга қарши иложи борича кўп сабабни келтиришлари керак. Ана шу вақт охирида улар яна беш дақиқа мобайнида ўз Т-чизмаларини бошқа жуфтлик чизмалари билан таққослашлари мумкин.

2.2.1-чизма

“Истеъмол ва фойда” мавзуси бўйича Т-чизма намунаси

Нарх-навони кўтарилиб кетишининг олдини олиш имкониятлари	Нарх-навони кўтарилиб кетиш сабаблари


Венн диаграммаси. Венн диаграммаси бир-бирини кесадиган икки ёки ундан ортиқ доираларда қўлланилади, улар ўртасида ёзиш учун етарли жой қолиши керак. У ғояларни зидлаш учун ишлатилиши ёки уларнинг умумий хусусиятларини кўрсатиб бериши керак. Масалан, ўқувчилар “Рақобат ва бозор” мавзусини ўрганаётган пайтда “талаб ва таклиф”ни таққослайдилар, дейлик. Венн диаграммаси бир-бирига ёпишган икки доира билан бирга ушбу гуруҳлар ўртасида зидлик ўтказиш, айти пайтда уларнинг умумий унсурларини кўрсатиш имконини беради.

Ўқитувчи ўқувчилар жуфтлигидан Венн диаграммасини тузиб, унда тегишлича фақат

талаб ва таклифга тааллуқли бўлган доираларнинг икки қисминигина тўлдиришни сўраши мумкин. Сўнгра жуфт бошка жуфтликка қўшилади ва тўрт киши ўз диаграммаларини таққослашлари, сўнгра ўртасида улар кўрганидек, иккала гуруҳ учун умумий бўлган хусусиятлар рўйхатини тузишлари мумкин.

2.2.2-чизма

“Талаб ва таклиф”ни қиёсий ўрганишга доир “Венн диаграммаси” намунаси



Концептуал жадвал. Концептуал жадвал ўрганилаётган ходиса, тушунча, фикрларни икки ва ундан ортиқ жиҳатлари бўйича таққослашни таъминлайди. Тизимли фикрлаш, маълумотларни тизимга келтириш, тизимлаштириш кўникмаларини ривожлантиради.

Ўқувчилар:

1. Концептуал жадвални тузиш қондаси билан танишадилар. Таққосланадиганларни аниқлайдилар, олиб бориладиган таққосланишлар бўйича хусусиятларни ажратадилар

2. Алоҳида ёки кичик гуруҳларда концептуал жадвални тўлдирадилар:

- узунлик бўйича таққосланадиган (фикр, назариялар) жойлаштирилади;

- ётиғи бўйича таққосланиш бўйича олиб бориладиган турли тавсифлар ёзилади.

3. Иш натижаларининг тақдимоти.

Масалан, “Халқаро савдо” мавзуси ўрганилаётган вақтда ўқувчиларга “Иқтисодий ривожланган давлатларнинг халқаро савдодаги ўрни” мавзусидаги концептуал жадвални тўлдиришни таклиф этиши мумкин.

**“Иқтисодий ривожланган давлатларнинг халқаро савдодаги ўрни” мавзусидаги
концептуал жадвал**

Иқтисодий ривожланган давлатлар	Иқтисодиёт соҳалари			
	<i>Саноат</i>	<i>Деҳқончилик</i>	<i>Чорвачилик</i>	<i>Техника ва технология</i>
АҚШ				
Франция				
Германия				
Япония				
Хитой				
Россия				

Умуман олганда, педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантириш фаол ва мустақил ўқув фаолиятини ташкил этишни талаб этади. Фаол ва мустақил ўқув фаолияти юқори даражадаги англаб етиш билан боғлиқ бўлиши лозим. Англаб етилган билимгина ўқувчида жамият олдида юксак жавобгарлик масъулиятини тушуниб олишга кўмак беради. Ана шу жараёнда юқорида биз мисоллар орқали баён этган график органайзерларнинг алоҳида ўрни борлиги, шубҳасиздир.

Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришда мустақил ишлар, ишлаб чиқариш амалиёти ва ишбилармон ўйинлар ҳам муҳим ўрин тутди. Ишбилармон ўйинлар бўлажак мутахассисларда касбий малакаларни шакллантиришда катта имкониятларга эга.

Ишбилармон ўйинлар асосида бир вақтнинг ўзида бир қанча вазифаларни бажариш мумкин:

- эгалланган билимларни текшириш;
- янги билимларни эгаллаш ва амалиётда текшириб кўриш;
- касбий кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- мустақил фаолият юритишга ўргатиш;
- ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш

Ишбилармон ўйинлар ҳаётини воқеаликка энг яқин келувчи метод бўлиб, катта амалий аҳамият касб этади. Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришда ишбилармон ўйинлардан фойдаланиш жараёнида қуйидаги педагогик тамойилларга амал қилиш лозим:

1. Ишлаб чиқаришдаги реал вазиятни моделини кўчириш ва ишлаб чиқариш динамикасини ҳисобга олиш. Ишлаб чиқариш жараёни ривожланиш, доимий ўзгариш

характерига эга эканлигини яхши биламиз. Ана шу ўзгарувчанлик ва динамик ривожланиш ишбилармон ўйинларни ташкил этиш жараёнида албатта ҳисобга олиниши талаб этилади.

2. Касбий фаолиятни мазмунини ва шаклини ҳисобга олиш, ҳар бир ихтисослик бўйича ўзига хос бўлган ишбилармон ўйинларни ишлаб чиқиш зарур.

3. Жамоа бўлиб иш бажариш малакасини шакллантиришга эътибор бериш.

4. Ишбилармон ўйинлар методининг икки планлилик хусусиятини ҳисобга олиш. Ишбилармон уйинлар ташкил этилар экан улар ўзида ҳам ўқув жараёнини, ҳам ишлаб чиқариш жараёнини акс эттиради. Бу ҳолда икки жараён устма-уст тушади ва бир-бирини тўлдиради. Шунинг учун ҳам ишбилармон ўйинлар икки планлилик хусусиятига эга бўлишини таъминлаш лозим

5. Иммитацион моделнинг муаммоли характерини таъминлашга эътибор қаратиш зарур. Биз ишлаб чиқариш вазиятларини маълум эпизодларини ўқув жараёнига кўчириб олиб таҳлил этар эканмиз, ана шу вазиятнинг маълум муаммога бағишланган бўлишини таъминлашимиз керак. Чунки айнан муаммоли иммитацион моделлар талабаларни ишлаб чиқариш фаолиятига пухта тайёрлайди. Чунки, энг муҳим вазифамиз талабаларни ишлаб чиқариш фаолиятида учрайдиган муаммо ва масалаларни осонлик билан ечимини топишга ўргатишдир.

Қуйида “Назорат” номли ишбилармон ўйиннинг режасини келтирамиз. Ўқув жараёнида назорат ишларини мантиқий кетма-кетликда тизимли жойлаштирилиши муҳим. Чунки, айнан назорат ишларини бажариш жараёнида талабаларда касбий малака ва кўникмалар шакллантирилади. “Назорат”номли ишбилармон ўйиннинг мақсади бўлажак ўқитувчиларда репродуктив ва продуктив характерга эга бўлган назорат саволларини ишлаб чиқиш малакасини шакллантириш. Бундай мақсадга эришиш учун қуйидаги ишлар амалга оширилади:

- талабалар бир неча гуруҳга бўлинадилар;
- гуруҳ раҳбари тайинлаб олинади;
- ҳар бир гуруҳ ихтисослик бўйича бирор мавзунини танлайди;
- мавзунинг режаси тузилади;
- гуруҳ раҳбари мураккаблик даражаси турлича бўлган назорат саволларини ишлаб чиқиш учун вазифаларни тақсимлайди;
- 1-даражали репродуктив характерга эга бўлган бир неча саволлар ишлаб чиқиш учун масъул тайинлайди;

- 2-даражали репродуктив характерга эга бўлган назоратни ишлаб чиқиш учун масъул тайинлайди ;
- 3-даражали продуктив характерга эга бўлган назорат топшириғини ишлаб чиқиш учун масъул тайинлайди ;
- 4-даражали продуктив характерга эга бўлган назорат топшириғини ишлаб чиқиш учун масъул тайинлайди.
- вазифалар бажарилгач тақдимот уюштирилади;
- баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда тақдимот натижалари баҳоланади;
- ўқувчи талабалар фаолиятини таҳлил этишда ва ютуқ ҳамда камчиликларни кўрсатади.

“Назорат” номли ишбилармон ўйин бўлажак ўқитувчиларда мавзулар бўйича турли мураккабликдаги назорат ишларини ишлаб чиқиш малакасини шакллантиради. Таълим тизимида, хусусан иқтисодий таълим жараёнида назорат ишларини тўғри ташкил этиш ва ўтказиш касбий малакаларини шакллантириш ҳамда малакали мутахассисларни тайёрлашга асос бўлади.

2.3. Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришга доир тажриба-синов ишлари самарадорлиги

Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий маданиятнинг шаклланганлигини аниқлаш мақсадида, энг аввало, мезонлар тизими ишлаб чиқилди. Мазкур мезонлар тизими қуйидаги тўрт даражага бўлинди:

1. Билиш ва тушуниш даражаси (I даража) – ўрганилган материални хотирада сақлаб қолиш, қайта айтиб бера олиш, моҳиятини идрок этиш ва тушунганликни намоён қилиш, қўйилган масалани бир шаклдан бошқа шаклга кўчира олиш.

2. Қўллай олиш даражаси (II даража) – ўрганилган умумий тушунча, назария, коида ва услубларни хусусий, муаммоли вазиятлар, мисол ва масалаларни татбиқ эта олиш, амалда қўллай олиш.

3. Анализ (таҳлил) ва синтез (умумлаштириш) даражаси (III даража) – берилган муаммони ҳал қилиш учун зарур маълумотларни турли хил манбалардан топиш, тартибга солиш, таҳлил қилиш; ўрганилган яхлит материални кичик, алоҳида таркибий қисмларга ажратиш ва улар орасидаги ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик, ўзаро муносабатларни аниқлаш асосида таҳлил этиш, алоҳида тушунча ғояларни умумлаштириб, яхлит хулоса чиқара олиш.

4. Баҳолай олиш даражаси (IV даража) – муаммоли вазиятни маълум ички ва

ташқи мезонлар ёрдамида баҳолаш ва таққослаш, улар асосида иқтисодий мазмунга эга қарорларни қабул қилиш, танқидий фикрлаш кўникмасига эга бўлиш.

Педагогик тажриба-синов ишлари Тошкент вилояти педагогика коллежи, Жиззах педагогика коллежи, Навоий педагогика коллежи, 1-Тошкент педагогика коллежи, Юнус Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежларида олиб борилди.

Педагогик тажриба-синовни ташкил этиш учун коллежларни танлаб олишда қуйидагиларга эътибор берилди:

1. Ўз-ўзини бошқариш ва тежамкорлик асосида иш олиб бораётган коллежларни танлаб олиш.

2. Коллеж иқтисодий базасини мустаҳкамлашда таълим муассасаси билан ҳомий ташкилотлар орасидаги алоқаларнинг мустаҳкамлигини ҳисобга олиш.

3. Педагогик тажриба-синов ўтказиш учун танланган коллеж ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантириш.

4. Коллеж маъмурияти маҳалладаги ишлаб чиқариш корхоналари, ширкат, фермер ва оила пудрати, деҳқон хўжалиги билан яқин алоқада бўлганлигини ҳисобга олиш.

5. Коллеж ўқувчилари учун аудиториядан ташқари пайтларда турли-туман баҳслар, мунозаралар, фан кечалари ўтказишда иқтисодий маданиятга эътибор бериш.

Таклиф қилинган методиканинг самарадорлигини аниқлаш учун назорат ишлари натижалари миқдор ва сифат бўйича таҳлил қилинди.

Тажриба ва синов синфлари ўқувчилари ўзлаштиришларини қиёслаш мақсадида синов натижалари бир неча марта такрор текширилди. Синов тури сифатида иқтисодий билим, кўникма ва малакаларни аниқлашга доир тест топшириқлари ишлаб чиқилди (2-илова). Тест топшириқлари беш баллик тизим асосида баҳоланди. Респондентларнинг умумий баҳолари ҳисобидан ўртача арифметик қийматлар аниқланди.


Берилган топшириқлар воситасида I-III курсларда бир неча бор назорат ишлари ўтказилди. Унинг натижалари 2.3.1-жадвалда келтирилди.

2.3.1-жадвал

Педагогика коллежи ўқувчиларида иқтисодий билим, кўникма ва малакаларнинг шаклланганлиги

Т/ Р	Гуруҳлар	Назорат мазмуни	Тажриба гуруҳидаги натижа	Назорат гуруҳидаги натижа	Улар орасидаги фарқ
1.	I курс	1-ёзма назорат иши	3,8	3,4	0,4
2.		2-ёзма назорат иши	3,9	3,2	0,7
3.		3-ёзма назорат иши	4,2	3,4	0,8
4.		4-ёзма назорат иши	4,6	3,5	0,9
1.	II курс	1-ёзма назорат иши	4,6	3,5	1,1
2.		2-ёзма назорат иши	4,8	3,8	1,0
3.		3-ёзма назорат иши	4,6	3,4	1,2
4.		4-ёзма назорат иши	4,4	3,2	1,2
1.	III курс	1-ёзма назорат иши	4,6	3,5	1,1
2.		2-ёзма назорат иши	4,9	3,6	1,3
3.		3-ёзма назорат иши	4,9	3,7	1,2
4.		4-ёзма назорат иши	4,7	3,4	1,3

Мазкур натижалар диаграммада куйидагича кўриниш ҳосил қилди (2.3.1-расм):



2.3.1-жадвалдан кўринадики, тарбия парадигмалари имкониятларини тўғри баҳолай олиш ва фойдаланиш педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчи боб бўйича хулосалар

1. Педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида ҳозирги вақтда тарбиявий жараён амалга ошадиган тўрт – педагогик, андрологик, акмеологик ва коммуникатив парадигмасига эга. Уларнинг ҳар бири аниқ шарт-шароитларда ўзининг қўлланилиш усуллариغا эга.

2. Тарбия парадигмалари орасидан акмеологик ва коммуникатив парадигма педагогика коллежлари ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Акмеологик парадигма касбий нуқтаи назарни ўзида ифода этса, коммуникатив парадигма ҳамкорликдаги мулоқот, ахборот алмаши асосида иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишга имкон беради.

3. Педагогика коллежи ўқувчиларининг маълум даражадаги иқтисодий билимга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда график органайзерлар ва ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш уларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда самарали ёрдам беради.

УМУМИЙ ХУЛОСА ВА ТАВСИЯЛАР

1. Иқтисодий маданиятни шакллантириш – мураккаб педагогик жараён бўлиб, ўқувчиларда иқтисодий онг, хулқ-атвор ва малакалар тизимини яхлит таркиб тптиришга қаратилгандир.

2. Иқтисодий маданият аниқ фазилатлар тизимини талаб этиб, уларга меҳнатсеварлик, виждонлилик, тежамкорлик, режалилик, ишбилармонлик, тартиб-интизомлилик, тиришқоқлик, ишчанлик, ташаббускорлик, удабурронлик, тартибсизликка мурасасизлик кабиларни киритиш мумкин.

3. Ўспирин-ўқувчиларга иқтисодий билимларни бериш шахс иқтисодий маданиятини шакллантиришнинг муҳим босқичи саналади. Бинобарин, мазкур босқичда ўспирин-ўқувчилар томонидан иқтисодий билимларнинг таянч асослари ўзлаштирилиб, бозор иқтисодиёти шароитида олди-сотди муносабатларини ташкил этиш қоидалари билан яқиндан танишиш, ушбу жараённинг иштирокчиси сифатида фаолият юритиш кўникма ва малакаларига эга бўлиш учун зарур бўлган педагогик шарт-шароит мавжуд.

4. Педагогика тарбия ҳақидаги фан сифатида ҳозир вақтда тарбиявий жараён амалга ошадиган тўрт – педагогик, андрологик, акмеологик ва коммуникатив парадигмасига эга. Уларнинг ҳар бири аниқ шарт-шароитларда ўзининг қўлланилиш усулларига эга.

5. Тарбия парадигмалари орасидан акмеологик ва коммуникатив парадигма педагогика коллежлари ўқувчиларида иқтисодий маданиятни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Акмеологик парадигма касбий нуқтаи назарни ўзида ифода этса, коммуникатив парадигма ҳамкорликдаги мулоқот, ахборот алмаши асосида иқтисодий билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишга имкон беради.

6. Педагогика коллежи ўқувчиларининг маълум даражадаги иқтисодий билимга эгаллигини ҳисобга олган ҳолда, аудитория ва аудиториядан ташқари машғулотларда график органайзерлар ва ишбилармонлик ўйинларидан фойдаланиш уларда иқтисодий маданиятни шакллантиришда самарали ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларига асосланган ҳолда, педагогика коллежлари ўқитувчилари учун қуйидаги методик тавсияларни ишлаб чиқдик:

1) педагогика коллежи ўқувчиларининг ёш ва психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, улар томонидан иқтисодий билимларни пухта ўзлаштирилиши, улардаги мавжуд қизиқиш ва эҳтиёжни тўла қондиришга ёрдам берувчи ахборий-методик таъминотни ишлаб чиқиш;

2) педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий маданиятини шакллантиришда акмеологик ва коммуникатив парадигма иикониятларидан кенг фойдаланиш;

3) педагогика коллежи ўқувчилари билан уларнинг иқтисодий маданиятини шакллантиришга доир фаолиятни ташкил этишда технологик ёндашувга асосланиш;

4) педагогика коллежи ўқувчиларининг таълим муассасасидан ташқари вақтда тадбиркорлик фаолиятини юритувчи субъектлар фаолиятида иштирок этишлари учун зарурий шарт-шароит яратиш мақсадга мувофиқдир.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1992. – 78 б.
3. Каримов И.А. Иқтисодий ислохот – масъулиятли босқич. – Т.: Ўзбекистон, 1994. – 48 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995. – 270 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1 - том. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 362 б.
6. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-том. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – 378 б.
7. Каримов И. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хафсизликка таздид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 326 б.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилкида. – Т.: Ўзбекистон. 1998. – 68 б.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон — буюк келажак сари. — Т.: Ўзбекистон. 1999. – 48 б.
10. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-том. – Т.: Ўзбекистон. 1999. – 410 б.
11. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – 176 б.
12. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни баргараф этиш йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 59 б.
13. Каримов И.А. Асосий вазиламиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришидир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.
14. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Ўзбекистон. 1997. – 46 б.
15. Баркамол авлод орзуси /Нашр учун масъул: Т.Рисқиев. Тузувчилар: Ш.Қурбонов, Р.Ахлиддинов, Ҳ.Саидов. – Т.: Шарқ матбаа- концерни, 1999. – 184 б.
16. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 77 б.

17. Абдуллаев Ё. Бозор иқтисодиёти асослари: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1997. – 103 б.
18. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар. Савдога оид иқтисодий атамаларнинг ча-ўзбекча луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1992. – 75 б.
19. Алексеев Н.Г., Семенов И.Н. Методологический анализ структуры эргономического знания: Тез.докладов IV Международ. конф. стран-членов СЭВ по эргономике. – М., 1998. – С.3-4.
20. Бекназоров Н. ва бошқалар. Бозор иқтисодиёти назарияси. – Т.: ТДИУ, 1993. – 150 б.
21. Валиева З.А. Муhibоев Ё.У. Иқтисод алифбеси. – Т.: Шарқ, 1997. – 96 б.
22. Васильев Ю.К. Экономическое образования и воспитания учащихся. – М.: Педагогика, 1993. – 96 с.
23. Грищенко Т.В. Педагогическое условия подготовки учителя к осуществлению экономического образования и воспитания школьников. Автореф. канд.пед.наук. – М., 1991. – 17 с.
24. Деркач А.А. Акмеологические резервы развития творческого потенциала личности. Методы и технологии. – М.: РАГС, 2000. – 117 с.
25. Дугин А.Г. Эволюция парадигмальных оснований науки. – М., 2002. – 186 с.
26. Дудин К.П. и др. Экономическая образования. Опыт проблемы. – Т.: Узбекистан, 1992. – 158 с.
27. Джўраев Р., Сафарова Р., Мусаев У., Умарова Х., Юсупова Ф. Умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчи шахсини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2006. – 9 б.
28. Джураев Д.У. Иқтисодий таълимда ўзбек халқ педагогикасидан фойдаланишнинг илмий-методик асослари: Педагогика фанари номзоди. ... дисс. – Т., 2006. – 182 б.
29. Жалолов Ж. Бозор иқтисодиёти: Туркия моделининг сири. – Т.: Адолат, 1993. – 96 б.
30. Жўраев А. Дехқон (фермер) хўжалилиги (савол-жавоб). – Т.: Ўзбекистон, 1997. – 107 б.
31. Жўраев Т. Мулкчиликнинг турли шакллари шароитида тадбиркорлик аолияти. – Т.: Ўқитувчи, 1994. – 178 б.
32. Зиёдуллаев С.К., Ўлмасов А.У., Галкин В.И. Ўзбекистонда ишлаб чиқариш кучларини тараққий эттириш муаммолари. – Т.: Фан, 1999. – 171 б.
33. Камолова Н.Қ. Ўқувчи-ёшларни иқтисодий тарбиялашнинг миллий-

маънавий асослари. – Т.: ЎзПФТИ, 2004. – 62 б.

34. Камолова Н.Қ. Ўқувчи-ёшларда иқтисодий билим ва кўникмаларни ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари (Педагогика коллежлари мисолида): Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2005. – 148 б.

35. Махсудова М. Мулоқот психологияси. – Т.: Turon-Iqbol, 2007. – 176 б.

36. Муслимов Н. Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий-методик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2007. – 315 б.

37. Носиров У. ва бошқалар. Фермер бўламан. – Т.: Мехнат, 2002. – 96 б.

38. Ортиқов Е. Ўрта Осиёлик улуғ зотларнинг иқтисодий дунёкарашлари – Т.: ТошАҚИ, 1999. – 35 б.

39. Ортиқов Н. Ёш авлодни муқаддас ғоялар руҳида тарбиялаш бўйича тавсиялар. – Т.: ЎзДЖТУ, 1995. – 32 б.

40. Парпиев У., Саломов И. Бозор иқтисодиёти асослари ва ишлаб чиқаришини ташкил этиш. – Т.: Шарқ, 1996. – 217 б.

41. Пардаев М.Қ. Иқтисодий таҳлил назарияси. - Самарқанд: Зарафшон, 2001 – 271 б.

42. Раджабова И.Ю. Социально-экономические проблемм индивидуальной трудовой деятельности в условиях переход к рыночной экономике. Автореф. кан.эко.наук. – Душанбе, 1998. – 22 с.

43. Розов В.К. и др. Методика экономического воспитания школьников. – М.: Просвещение, 1995. – 125 с.

44. Сариқов Э., Маматов М. Иқтисодиёт ва бизнес асослари. – Т.: Шарқ, 199. – 240 б.

45. Сасова И.А. Теория и практика экономическое подготовка школьников к труду в новых условиях хозяйстве. Автореф. дис.док.пед.наук. – М., 1998. – 36 с.

46. Санакулов Ҳ.Р. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларининг касб-хунарга қизиқишларини меҳнат анъаналари асосида тарбиялаш: Автореф. пед.фан. номзоди. – Т., 2001. – 18 б.

47. Собиров Б.Б. Ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантиришда инновацион методлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2004. – 192 б.

48. Сорокина И.О. Сущность и содержание профессиональной креативности в структуре аутопсихологической компетентности государственных служащих. – М., 2007. – 23 с.

49. Тохтахунова Д. Основы народной педагогики в экономическом воспитании. – Т.: А. Кадири, 2001. – 70 с.
50. Тўхлиев Н. ва бошқалар. Ишбилармонлар лугати. – Т.: Меҳнат, 993. – 111 б.
51. Умаров У. ва бошқалар. Иқтисодий назариядан ўқув-методик қўлланма. – Т.: Зарқалам, 2003. – 104 б.
52. Умарова Х.А. Бошланғич таълимда иқтисодий билимларни ўрганишга йўналтирилган модулли технологияларнинг дидактик асослари: Автореф. пед.фан.номз.дисс. – Т., 2006. – 26 б.
53. Умарова. Х.А. Иқтисодий билим ва тушунчаларни ўрганишга йўналтирилган ўқув материаллари // Халқ талими. – Т., 2001. - №4. – Б.84-89.
54. Умарова Х.А. Бошланғич синф ўқув предметлари мазмунига иқтисодий билимларни интеграциялаш // Халқ таълими. – Т., 2005. - №2. – Б. 59-63.
55. Умарова Х.А. Ўқувчиларнинг иқтисодий билимларини оширишга йўналтирилган модулли технологиялар // Халқ таълими ж. – Т., 2005 - № 3. – Б. 51-55.
56. Умарова Х.А. Бошланғич таълимда иқтисодий тушунчаларни ўрганиш технологияси. Республика илмий-услубий анжумани маърузалари тўплами. – Т.: ЎзПФТИ, 1999, 4-5 май. – 128 б.
57. Ходжаев Б. Ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллигини шакллантиришда график ташкилотчиларнинг ўрни. // Личностное ориентированное обучение и воспитание на современном этапе (содержание, формы, методы). Сб. науч-мет. стат. в 7 частях. Ч.6. – Б. 149.-151
58. Худойкулов Х.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тарбияга оид тушунчаларни шакллантиришнинг назарий ва амалий асослари: Монография. - Тошкент: Фан, 2004. - 112 б.
59. Худойкулов Х.Ж. Ўзбекнинг ғурури унинг одобида. Монография. - Тошкент: Фан, 2008. - 216 б.
60. Худойкулов Х.Ж. Бозор одоби - миллий қадриятларимиз кўзгуси. Монография. - Тошкент: Фан, 2008. - 128 б.
61. Худайкулов Х.Ж. Экономическое воспитание младших школьников: Монография. - Душанбе: Маориф, 2001. - 145 б.
62. Худойкулов Х.Ж. Шарқ мутафаккирлари ҳаётида иқтисод одоби: Услубий қўлланма. - Тошкент: ТДАИ, 2005. - 102 б.
63. Худойкулов Х.Ж. Қобусномада иқтисодий тарбия муаммолари: Услубий тавсиянома. - Душанбе: ТождПУ, 1997. - 25 б.

64. Худойкулов Х.Ж. Узлуксиз иқтисодий таълим. // Касб-хунар таълими журнали. - Тошкент, 2002. - №1. - Б. 7-8.
65. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий тарбия асоси-бу ҳалол меҳнат. // Мактаб ва ҳаёт журнали. - Тошкент, 2002. - № 6. - Б. 14-16.
66. Худойкулов Х.Ж. Иқтисод - пул ва молнинг қадрига етмоқ. // Бош-ланғич таълим журнали. - Тошкент, 2003. - №1. - Б. 46-47.
67. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий таълим мазмуни ва тарбия асоси. // Касб-хунар таълими журнали. - Тошкент, 2002. - №6. - Б. 12.
68. Худойкулов Х.Ж. Тежамкорлик хислатларини тарбиялаш. // Бошланғич таълим журнали. - Тошкент, 2003. - №5. - Б. 38-39.
69. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий тарбиянинг тарихий илдиэлари. // Касб -хунар таълими журнали. - Тошкент, 2004. - №5. - Б. 20-21.
70. Худойкулов Х.Ж. Расулов Д. Сув – ҳаёт манбаи. // Бошланғич таълим журнали. - Тошкент, 2004. - №1. - Б. 28-29.
71. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий билим беришда таълим ва тарбия узвийлиги. // Ж. Касб-хунар таълими. – Тошкент, 2005. - №1. - Б. 17-18.
72. Худойкулов Х.Ж. Шахс шаклланишида иқтисодий тарбиянинг ўрни. // Халқ таълими журнали. - Тошкент, 2005. - №1. - Б. 69-73.
73. Худойкулов Х.Ж. Тарбиячи асосий куч. // Бошланғич таълим журнали. - Тошкент, 1994. - №2. - Б. 77-79.
74. Худойкулов Х.Ж. Бозор муносабатларига ўтишда ўқувчи-ёшларда иқтисодий тарбияни шакллантириш. // Халқ таълими журнали. - Тошкент, 2003. №3. - Б. 18-20.
75. Худойкулов Х.Ж. Ахборот технологияси ўқувчиларда иқтисодий тушунчаларни шакллантириш омили. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТДТУ, 2001. - Б. 198-199.
76. Худойкулов Х.Ж. Касбий таълимда иқтисодий тарбия омили. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Термиз: ТерДУ, 2002. - Б. 45-46.
77. Худойкулов Х.Ж. Бозор шароитида касб-хунар ўрганишининг иқтисодий жиҳатлари. // Республика илмий-амалий материаллари. - Термиз: ТерДУ, 2002. - Б. 40-41.
78. Худойкулов Х.Ж. Меҳнат таълими дарсларида халқ мақолларидан фойдаланиш. Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ЎзПФИТИ, 2002. - Б. 178-179.
79. Худайкулов Х.Ж. Экономическое воспитание младших школьников в

процессе труда во время внеклассного занятия. // Материалу Республиканской научно-практической конференции. - Тошкент: ЎзНИИПН, 2002. - С. 74.

80. Худойкулов Х.Ж. Касбга йўналтириш – иқтисоднинг асоси. // Республика илмий-амалий конференция материаллари. - Т.: ТДТУ, 2003. – Б. 36.

81. Худойкулов Х.Ж. Шахсни шакллантиришда иқтисодий тарбиянинг ўрни. // Мақолалар тўплами. - Т.: ЎзПФТИ, 2004. - Б. 162-169.

82. Худойкулов Х.Ж. Янгича иқтисодий фикрлаш. // Мақолалар тўплами. - Т.: ЎзПФТИ, 2004. - Б. 59-63.

83. Худойкулов Х.Ж. Бошланғич синф ўқувчиларига синфдан ташқари ишлар орқали иқтисодий тарбия бериш. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1995. - Б. 47-49.

84. Худойкулов Х.Ж. Қобуснома асарида иқтисодий тарбия муаммо-лари. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1996. - Б. 31-32.

85. Худойкулов Х.Ж. Ҳозирги замонавий мактаблардаги бошланғич синф ўқувчиларида иқтисодий тарбияни шакллантириш. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1997. - Б. 23-24.

86. Худойкулов Х.Ж. Меҳнат-иқтисодий тарбия асоси. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1995. - Б. 42-43.

87. Худойкулов Х.Ж. Болаларга иқтисодий тарбия беришда оиланинг роли. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1998. - Б. 41-42.

88. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий тарбия орқали ёшларда ўз юртига садоқат хисларини шакллантириш. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Душанбе: ТождПУ, 1999. - Б. 44.

89. Худойкулов Х.Ж. Касб-ҳунар ўрганиш ўқувчи иқтисодий шароитини мустаҳкамлаш манбаи. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТАЙИ, 2002. - Б. 176-177.

90. Худойкулов Х.Ж. Ёшларда иқтисодий билимларни шакллантириш. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Термиз: ТерДУ, 2003. – Б. 27-29.

91. Худойкулов Х.Ж. Ўқувчи-талабаларда иқтисодий тарбияни шакллантириш омиллари. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТТЙМИ, 2005. - Б. 60-64.

92. Худойкулов Х.Ж. Иқтисодий фикрлаш ва тарбиялаш давр талаби. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТТЙМИ, 2005. - Б. 43-47.

93. Худойкулов Х.Ж. Бозор муносабатларини шакллантиришда маънавий ва

ахлоқ-одоб фазилатлари. // Республика илмий-амалий анжуман материаллари. - Т.: ТТЙМИ, 2007. - Б. 163-165.

94. Хўжаев Н., Ҳасанбоев Ж. Иқтисодий педагогика. – Т.: Туркистон, 2002. – 125 б.

95. Хўжаев Н. Иватов И. Иқтисодий билим асослари. - Тошкент: ТДИУ, 2000.- 147 б.

96. Шодмонов Ш., Ғанихўжаев Ф. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ижтимоий товар ишлаб чиқариш. – Т.: Меҳнат, 1993. – 360 б.

97. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. Ўқув қўлланма. – Т.: Меҳнат, 1997. – 120 б.

98. Ўлмасов А. Амалий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. – Т.: Меҳнат, 997. – 87 б.

99. Ўлмасов А. Оила иқтисоди. – Т.: Меҳнат, 1998. – 49 б.

100. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти (Педагогика олий таълим муассасалари мисолида): Педагогика фанлари доктори. ...дисс. – Т., 2010. – 332 б.

101. Эшмуродова Г.Х. Ўспирин-ўқувчиларда иқтисодий билимларни шакллантиришнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2007. – 24 б.

102. Юсупов А.Т., Турсунов А.М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Фан, 1997. – 196 б.

Иловалар

1-илова

Иқтисодга доир асосий тушунчаларнинг изоҳли луғати

Актив(фаол)-ҳисобот баланснинг бир қисми бўлиб, мазкур корхона ёки муассасага қарашли моддий бойликларни уларнинг таркиби ва жойла-шуви нуқтаи назаридан пул кўринишида ифодалайди.

Асосий воситалар-корхона ихтиёридаги хизмат муддати 1 йилдан ор-тиқ бўлган ва нархи бир ойлик иш ҳақини 15 каррала ҳажмига тенг бўлган материаллар.

Акция (ҳисса)-(лотинча-ҳаракат, фаолият). Ҳиссадорлар жамияти шак-лида фаолият кўрсатадиган корхона капиталида улуши борлигини тасдиқ-ловчи қимматбаҳо қоғоз. Акция фойданинг бир қисмини дивиденд кўрини-шида олиш ҳамда ҳиссадорларнинг умумий йиғилишида овозга эга бўлиш ҳуқуқини беради.

Акциялар назорат пакети – ҳиссадорлик фаолиятида тўлиқ назорат ўр-натиш заруратини таъминлайдиган акциялар улуши. Шунга кўра ҳиссадор-лик жамиятининг тўла ҳуқуқли хўжайини бўлиш учун акцияларнинг муайян фоизига (назарий нуқтаи назардан 51%) эга бўлиш лозим.

Ассортимент – корхонада ишлаб чиқарилган бир хил номдаги, лекин кўриниши, нави ва маркаси билан ажралиб турадиган маҳсулотлар таркиби. Ҳар бир корхона олдига кўйилган режани фақат ҳажминигина эмас, балки ассортиментини ҳам етарли даражада бажаришни таъминлай олиши керак.

Баланс (французча-balapce) – тенглашма, мувозанат. Корхонанинг муай-ян санадаги фаоллари турлари ва қиймати бўйича ҳамда унинг мажбури-ятлари ва сармойси бўйича келтирилган кўрсаткичлар йиғма ҳисоботи. Ҳисо-бот мазкур ширкат эгалик қилаётган маблағларнинг, қарз пуллари ва хусусий маблағларининг (ҳиссадорлик сармойси) улушини пул кўринишида ифода-лайди.

Банк – молия кредит муассасаси; молия ва кредит операцияларини бажа-ришда ўз пул маблағларини сарфлаш йўлларини қидираётган ҳамда уларга муҳтож бўлган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар ўртасида кўпинча воситачи сифатида фаолият кўрсатади. Омонатларни фоиз асосида қабул қилиш, турли таъминот асосида ссудалар (қарз) бериш, векселларни ҳисобга олиш, қим-матли қоғозларни харид қилиш ва сотиш, пул ўтказиш ва турли хил пул топширикномаларини бажариш ишлари ҳам жамғарма томонидан амалга оширилади. Омонатчиларнинг пул маблағлари ҳисобидан тўпланадиган фоиз билан

ссудалар фоизи ўртасидаги фарқ жамғарма даромадини ташкил қила-ди. Давлат банки ва тижорат жамғармаси бўлади.

Банкротлик-синиш; корхонанинг маблағи йўқлиги сабабли тўловга иложсизлиги, қарздорлиги, ишлаб чиқариш ва молия хўжалик фаолиятини давом эттириш имкониятларига эга эмаслиги. Рақобатчилар курашининг натижаси бўлган банкротлик ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик ишининг тараққиётига йўл очади.

Бартер-бир ёки бир неча товарларни қийматига кўра бошқа товар (ёки товарлар)га нақд пулсиз айирбошлаш.

Бўнак (аванс)-моддий бойликлар бериш, бирор ишни бажариш ёки хизмат кўрсатишдан ,аввал, бериладиган маълум миқдордаги пул тўлови. Бў-нак кредит беришнинг алоҳида шакли бўлиб, у маҳсулот етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ёки хизмат кўрсатувчиларнинг муомаладаги айланма маб-лағини кўпайтиришга омил бўлади.

Банкнотлар-эмиссия банклари томонидан чиқариладиган кредит пул-ларининг турлари. Банкнотлар XVII-асп охирида савдо-пул муносабатлари ва тўлов оборотининг ривожланиши билан пайдо бўлди. Банкнотлар муомала ва тўлов воситаси сифатида металл пуллар ўрнига ўтади. Замонавий банкнотлар моҳиятига кўра қоғоз пуллардан деярли фарқ қилмайди, бинобарин, улар слтингга айирбошлаш мажбуриятидан озод этилган.

Биржа-(инглизча-хамён). Қимматбаҳо қоғозлар, валюталар ва оммабоп оварларнинг ўлчовлар ёки намуналар орқали улгуржи савдо-сотиқини амал-оширадиган муассаса.

Валюта-(итальянча-қадрланмоқ, қиймат). Баҳо, қиймат белгиси бўлиб, амлакатларнинг пул бирлиги ҳисобланади. (масалан: Ўзбекистонда сўм,

Россияда рубль, АҚШда доллар). Том маънода валюта чет мамлакатларнинг пул бирлигидир. Амалдаги қонунларга мувофиқ валюта бойликларига қуйи-дагилар киритилади: 1. Чет эл валютаси-банкнотлар, хазина векселлари ва тангалари. 2. Тўлов хужжатлари (чеклар, векселлар, аккредитивлар, йўл чек-лари). 3. Чет эл валютаси кўринишидаги фонд бойликлари (акциялар, облига-циялар); 4. Чет эл валюталари ҳисобида сотиб олинган, конверцияланиш ҳу-қуқига эга бўлган банк тўлов хужжатлари (масалан чеклар). 5. Қимматбаҳо металллар: олтин, кумуш, ёқут ва ҳар қандай кўриниш ва тузилишдаги қим-матбаҳо металл парчалари (ушбу металл парчаларидан тайёрланган заргар-лик ва рўзгор буюмларидан ташқари); хом ашё ва ишлов берилган ҳолдаги табиий қимматбаҳо тошлар (олмос, лаъл, зумрад, ёқут). Бироқ худди шу тошлардан ясалган заргарлик ва маиший буюмлар валюта сифатида ҳисобга олинмайди.

Валюта курси-турли мамлакатлар пул бирликлари ўртасидаги ўзаро нисбат. Валюта курси пул бирликларининг харид қобилияти ва бошқа қатор омиллар (тўлов балансининг ҳолати, инфляция даражаси, қисқа муддатли капиталларнинг мамлакатлараро кўчиш миграцияси) билан белгиланади.

Вексель (немисча) – қимматли қоғоз тури. Вексель ҳуқуқий ёки жисмоний шахснинг ёзма тарздаги мажбурияти бўлиб, у кўрсатилган пулни вексель эгасига белгиланган муддатда тўлашга гувоҳлик беради.

Давлат бюджети-рақмларда кўрсатилган режа, даромад ва сарфиётлар балансининг пул ва маҳсулотда ифодаланиши. Даромад ва сарфиётлар сме-таси, капитал харажатлар, касса бюджети (тушум ва сарф қилинган нақд пул-лар хомчўти) ва бошқалар бюджетнинг муҳим турлари ҳисобланади. Шунга асосан алоҳида бўлимларнинг ҳамда ҳар бир операцияга масъул ва ижрочи кишиларнинг аниқ вазифалари белгиланади.

Девальвация – миллий валюта қийматининг пасайиши; бошқа мамла-катлар валютасига нисбатан миллий валюта курсининг давлат қонунида бел-гиланган тартибда пасайиши. Девальвациянинг келиб чиқишига инфляция, тўлов балансидаги тансиқлик ва хоказолар сабаб бўлади.

Дебитор – маълум корхона, ташкилот, муассаса, фуқародан қарз бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Демпинг – четга мол ташлаш; ташқи бозорда молларни ички бозорга нисбатан ноқонуний равишда паст нархда сотиш. Демпинг бозорда рақобат-чиларни йўқотиш мақсадида ўтказилади. Бу фирром, баъзида чекланган усул бўлиб, ташқи бозорни эгаллаш мақсадида қилинади. Демпингга қарши анти-демпинг қонуни (Австрия, 1962) жорий этилган, бунда товар демпингининг миқдори кўрсатиб берилган.

Дотация – беминнат маблағ; катта чиқимнинг, зарарнинг ўрнини қоп-лаш, зарар келтирувчи корхоналарнинг фойдалилигини таъминлаш, нарх-наво фарқларини тўлаш мақсадида кўрсатиладиган молиявий ёрдам.

Дивиденд – ҳиссадорлик жамияти фойдасидан ҳар йили акцияга тўла-надиган даромад улуши.

Импорт – мамлакат ичкарасидаги бозорларда сотиш учун чет эллардан келтирилган моллар ва хизматлар. Импорт битимлари чет эллардан моллар ва хизматлар келтириш бўйича тузилган ҳужжат. Бундай битимлар тузилаётган пайтда импортчи экспортчидан моллар сифати бўйича кўпроқ мажбуриятлар олишини талаб қилади. Чунки сотиб олинаётган моллар ва хизматлар ички бозорлардагига қараганда бир неча баробар юқори кўринишда бўлиши ло-зим.

Инвестиция – инвесторлаш. Узоқ муддатли мақсадларга сармоя қўйиш; фойда олиш мақсадида давлат капитали ёки хусусий сармояни мамлакат ичкарисида ва хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига сарфлаш.

Инфляция-қоғоз пуллар ва олтинга айирбошланмайдиган нақд бўлмаган пул маблағларининг қадрсизланиши; муомала шоҳобчаларининг эҳтиёж-дан устун даражада қоғоз пуллар билан тўлиб кетиши, ортиқча пулга талаб пайдо бўлиши оқибатида вужудга келади. Инфляция пул муомаласи қонуни амалда бузилиши ва нарх-навонинг ошкора ёки яширинча ошиб кетишида намоён бўлади.

Капитал – сармоя. Қўшимча қиймат келтирувчи қиймат; ёлланма меҳ-натни эксплуатация қилиш йўли билан қўшимча қиймат келтирувчи қиймат (корхоналар) капитали тегишли нисбатан олинган пайтда қуйидаги бир қанча қисмларга бўлинади; асосий капитал, чиқарилган капитал, тўланган капитал, захирадаги капитал, номинал, капитал ва ҳ.к.

Картель – монополистик бирлашма шакли; бир тармоққа оид корхо-налар ўртасида баҳо, маҳсулот сотиш бозори, ишлаб чиқаришнинг ўзаро ҳажми, патентларни алмашиш, иш кучи ёллаш ва шу кабилар тўғрисидаги томонлар келишуви. Картель келишуви ҳамма вақт хужжат билан расмий-лаштирмаслиги мумкин. Картель келишувида қатнашаётган барча фирмалар ўзларининг ҳуқуқий, молиявий, ишлаб чиқариш ва тижорат эркинлигини сақлаб қоладилар.

Кредит – қарзга товар ёки пул бериш; пул маблағлари, товар ва бошқа бойликларнинг муддатини белгилаб фойдаланганлик учун фоиз тўлаб, қайта-риш шарти билан вақтинчалик бошқа (жисмоний ёки ҳуқуқий) шахсга бериш. Амалиётда банк кредити ва тижорат кредити шаклларида фойдаланилади.

Квота – ишлаб чиқаришда, маҳсулотларни экспорт ёки импорт қилишда бирлашмага кирган корхоналар ёки ширкатлар учун белгиланадиган пул улуши.

Клиринг – товарлар, қимматли қоғозлар ва кўрсатилган хизматлар учун талабномалар, мажбуриятларни ўзаро суришишга асосланган нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими. Ички банклараро клиринг ва халқаро валюта клиринги мавжуд.

Лицензия-рухсатнома, изн қоғози; 1) экспорт ва импорт фаолиятини амалга ошириш учун давлат идоралари томонидан бериладиган махсус рухсатнома. Лицензия бериш давлатнинг экспорт имкониятларидан унумли фойдаланиш ва импорт бўйича ишларни мувозанатлаштириб туришдаги назорат шакли ҳисобланади. 2) Патент

лицензияси-ихтиро изн қоғози; ҳукумат ёки ихтиро олий ҳаками томонидан патентланган ихтиродан фойдала-ниш ҳуқуқини берадиган ҳужжат.

Монополия-бир киши, кишилар гуруҳи ёки давлатнинг бирор нарсага, масалан ишлаб чиқариш, ташқи савдо ва шу кабиларга ягона ҳукмронлик ҳуқуқи.

Меҳнат биржаси. Ишчилар ва тадбиркорлар ўртасида ишчи кучини сотиш ва сотиб олиш битимларини тузишни амалга оширувчи воситачи муассаса. Меҳнат биржаси ишсизларни ҳамда бошқа ишга ўтмоқчи бўлган шахсларни ишга жойлаштиришда воситачилик қилади, ишчи кучига бўлган эҳтиёжни ва мавжуд ишчи кучи имкониятларини ўрганади, бўш ўринлар ҳақида маълумотлар бериб туради. Шунингдек, меҳнат биржаси ишсизлар сонини ҳисобга олиб боради ва уларга ишсизлиги учун нафақалар тўлайди.

Пассив-ҳисобот баланснинг бир қисми бўлиб, корхона ва муассасалар маблағларининг вужудга келиш манбаларини акс эттиради ҳамда уларнинг қайси гуруҳларга таалуқлигини ифодалайди.

Патент (лот.-гувоҳнома, ёрлик)-1) ихтирочига давлат томонидан унинг ихтирочилик ҳуқуқини тасдиқлаб бериладиган махсус ҳужжат; 2) савдо, ҳу-нармандчилик ва шу каби фаолиятлар билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат. Патентларни молия органлари беради.

Пул-товарларни айирбошлашда умум эквивалент вазифасини бажарув-чи ўзига хос қимматбаҳо қоғоз. Пул айирбошлаш жараёни ва нарх тартибсиз ривожланишининг маҳсули, у товар ишлаб чиқаришда иқтисодий категория бўлиб, қуйидаги вазифаларни бажаради: нарх мезони сифатида барча товар-лар қийматини ўлчаш ва ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнатнинг ижтимо-ий ҳисобини англатади. Пул муомала воситаси сифатида товарларни айир-бошлаш (харид қилиш ва сотиш)ни амалга оширади. Пул тўлов воситаси сифатида товарларни кредитга сотишда қўлланилади; жаҳон пуллари муома-ладан чиқарилганда пул хазина ва жамғарманинг вужудга келиш воситачиси бўлади.

Рақобатчилик-бозорда ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмолчилар тала-бини кондириш ва ўз маҳсулотларини сотишга энг қулай шароитлар яратиш борасидаги муносабати ва кураши. Жаҳон бозорида доимо мол ишлаб чиқарувчилар ўртасида кўп фойда олиш учун кескин рақобатчилик амал қилиб туради.

Сармоя сарфлари-фойда олиш мақсадида саноат, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва бошқа тармоқларга ишлатилган узоқ муддатли сармоя сарф-лари, харажатларининг йиғиндисидир. Сармоя сарфлари мамлакат ичкариси-даги тармоқларга, шунингдек, чет

мамлакатлардаги фойда келтириши мумкин бўлган тармоқларга сарфланади. Сармоя сарфлари айрим шахслар ёки давлат томонидан амалга оширилади.

Савдо баланси-экспорт ва импорт ўртасидаги нисбат тавсифи; у чега-радан ўтган товарлар ҳисобини юритишга асосланган мувозанатни ифода-лайди.

Сифат-молнинг истеъмолга яроқлилигини белгилайдиган хусуси-ятлари йиғиндиси. Томонлар олди-берди бўйича тузилаётган шартномада молнинг сифат кўрсаткичлари ҳақида ҳам келишиб оладилар. Шартномада мол сифатини текшириш йўллари, унинг сифатига гувоҳлик берувчи ҳуж-жатнинг бўлиши, молларни сифат кўрсаткичларига кўра қабул қилиб олиш шартлари талаб қилинади.

Сальдо-муайян вақт оралиғидаги пул тушумлари ва сарфиёт ўртаси-даги фарқ; дебет ва кредит ҳисоб варағи жамланма миқдори бўйича, шунинг-дек, фаол ва нофаол бўйича пул миқдорининг фарқи сальдо ҳисобланади.

Солиқлар-қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартиблар ва шарт-ларга тўғри келадиган миқдорда бюджет фондларга тўланадиган мажбурий тўловлар. Солиқ тўловчилар ҳукукий ва жисмоний шахслар бўлиши мумкин. Солиқлар умумдавлат масалалари ва ижтимоий программаларни ҳал қилиш мақсадида ундириб олинади.

Фойда (даромад) солиғи, жисмоний шахсларнинг даромадидан олина-диган солиқ, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, ер солиғи, мулк солиғи, транспорт воситалари эгаларидан олинадиган солиқ ва бошқа солиқлар амал-да қўлланилади. Солиқлар икки муҳим йўналиш, яъни бюджетни тўлдириш (фискаль) ва иқтисодий вазифаларни амалга оширади.

Таннарх – маҳсулотни сотиб олиш баҳоси ва уни олиб келиш билан боғ-лиқ харажатлар йиғиндиси.

Товар биржаси. Ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш асосида: 1. Савдо битимларини тузиш учун восситачилик хизматини бажарувчи. 2. Савдо жара-ёнларини тартибга солувчи, товарлар савдосини ташкил қилувчи ва савдо мунозараларини ҳал қилувчи. 3. Нарх ўзгаришига таъсир қилувчи маълумотларни йиғиш, уларни чоп этиш, ишлаб чиқариш ва бошқа омилларни ўрганувчи ташкилот. Товар биржасида товар ва уни етказиб бериш шарт-номаси битим предмети ҳисобланади.

Фонд биржаси. Қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, облигациялар) савдо-сотиқини доимий амалга оширадиган ва бошқариладиган бозор. Қимматбаҳо қоғозлар курси талаб ва таклифларга бевосита боғлиқдир. Бу эса ўз навба-тида қимматбаҳо қоғозлар учун олинадиган даромад (дивиденд ёки фоиз) миқдорининг ўзгаришига олиб келади.

Экспорт-четга мол чиқариш. Маҳсулот турлари ва ҳудудий белгилар бўйича маҳсус билимларни талаб қиладиган чет эл бозорида эркин сотишни ташкил қилиш фаолияти: моллар, хизматлар ва капитални чет эл бозорига чиқариб сотиш.

Эмбарго-мамлакат ташқарисига мол, олтин, валюта ва бошқаларни чиқариш ёки киритишни таъқиқлаб қўйиш, чет мамлакатга қарашли кемалар, юклар ва жиҳозларни ушлаб қолиш. Мамлакатдан айрим мол ва маҳсулот-ларни олиб чиқиб кетишга қарши эмбарго жорий этилади.

Ялпи миллий маҳсулот-халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири бўлиб, мамлакат иқтисодий ҳаёти барча тур-ларининг охириги натижаларини характерлайди. Ялпи миллий маҳсулот мод-дий ишлаб чиқариш соҳасининг ҳам, номоддий ишлаб чиқариш соҳасининг ҳам иқтисодий фаолияти натижаларини ўзида акс эттиради. Унинг ҳажмини аниқлаш учун халқ хўжалигида ишлаб чиқариш ва хизмат қилиш билан боғлиқ бўлганлар барчасининг даромади йиғилади. Ялпи миллий маҳсулот жорий ва таққослама (ўзгармас) баҳоларда аниқланади.

Ҳиссадорлар жамияти-корхоналарнинг ўзига хос ҳуқуқий шакли бўлиб, унинг ўзига хос хусусияти асосий капиталнинг акцияларга бўлиниши-дир. Бу акцияларни биржаларда сотиш ёки сотиб олиш мумкин. Акциялар курси маълум бир фирманинг маҳсулотига ўша вақтдаги талабга қараб кўта-рилиши ёки пасайиши мумкин. Ҳиссадорлик жамияти фаолиятини бир неча кишидан ташкил топган кузатув Кенгаши назорат қилади. Кенгаш аъзола-рининг бир қисми ҳиссадорлардан, бошқа бир қисми эса корхона ходимла-ридан иборат. ҳиссадорлар жамияти ҳар йили баланс ҳисоботларини чоп эттириб туришлари шарт.

Педагогика коллежи ўқувчиларининг иқтисодий билим, кўникма ва малакаларини аниқлашга доир тест саволлари

1. Иқтисодий ривожланиш нима?

- A) Моддий неъматлар ишлаб чиқариш
- B) Эҳтиёжларни қондириш
- C) Бозорга товарлар етказиб бериш
- D) Ишлаб чиқариш жараёнини доимий равишда ривожлантириш.

2. Иқтисодий ресурслар нима?

- A) Товар
- B) Пул
- C) Инсонлар
- D) Ер, ер ости ва ер усти бойликлари, меҳнат билан яратилган барча товарлар ва тадбиркорлик лаёқати.

3. Самарадорлик нима?

- A) Иқтисодиётни ўстириш
- B) Сарфланган ресурсларни тежаш
- C) Ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўсиши
- D) Иқтисодий ресурсларни тежаш.

4. Иқтисодий тизим нима?

- A) Иқтисодий тизим жамиятнинг асосий йўналиши;
- B) Иқтисодий тизим ишлаб чиқаришни ташкил этиш шаклидир;
- C) Иқтисодий тизим-ижтимоий-иқтисодий муносабатлар асосидир;
- D) Иқтисодий тизим ижтимоий ишлаб чиқариш шаклидир.

5. Аралаш иқтисодиёт нима?

- A) Турли мулк шакллари ва уларнинг тенг ҳуқуқлигига асосланган иқти-содиёт
- B) Маъмурий буйруқбозликка асосланган иқтисодиёт
- C) Хусусий ва жамоа мулкига асосланган иқтисодиёт
- D) Шахсий ва хусусий мулкка асосланган иқтисодиёт.

6. Натурал хўжалик нима?

- A) Жамият учун табиий натурал маҳсулотни ишлаб чиқарувчи хўжалик
- B) Ишлаб чиқаришни ташкил этиш машина ва техникаларга эмас, қўл меҳна-тига асосланган хўжалик

С) Бозорда сотиш учун эмас, балки хўжаликнинг ўз ходимлари ва ишлаб чиқарувчиларнинг истеъмоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган хўжалик

Д) Аҳоли ва ташкилотларга сотиш учун истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи хўжалик.

7. Пулнинг вазифаси нимадан иборат?

А) Пул истеъмол билан ижтимоий талабга бўлган инвестиция омили

В) Ижтимоий таклиф ва алмашув учун зарур бўлган миқдорни белгилайдиган капитал қўймалар омили

С) Даромадлар ва ҳаражатларни ҳисобга олиш тизими

Д) Ягона ҳисоб-китоб юрғизиш, алмашув, жамғарма муомила, тўлов вазифа-сини бажаради.

8. Пулнинг кутилмаган қадрсизланиши (инфляцияси) дан аҳолининг қайси қисми кўпроқ жабр кўради?

А) Облигация эгалари

В) Ишлаб чиқарувчилар

С) Қарз олувчилар

Д) Дехқон (фермер) хўжалиги.

9. Инфляциядан кимлар ютиши мумкин?

А) Қатъий белгиланган даромад (нафақа, стипендия, иш ҳақи каби)лар ҳисобига яшовчи инсонлар

В) Суғурта эгалари, ўз ҳаётларини суғурта қилганлар

С) Омонот кассаларига пул қўйган инсонлар

Д) Қарз олган инсонлар.

10. МДХ давлатларида пул муомаласининг қайси тури кўп бўлади?

А) Марказий жамғарма банкноталари

В) Тармоқ жамғарма

С) Чет эл банкноти

Д) Нақд пулсиз ҳисоб-китоб.

11. Бозор нима?

А) Аҳоли учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматларининг олди-сотдиси

В) Ишлаб чиқаришни амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш воситаларининг олди-сотдиси

С) Бир товарни бошқасига тўғридан-тўғри яъни бартер йўли билан алмаштириш

Д) Пул воситасида товарлар олди-сотдиси юзасидан келиб чиқадиган муносабат.

12. Бозор иқтисодиётини ҳаракатлантирувчи куч нима?

- A) Талаб ва таклиф
 - B) Баҳо
 - C) Ижтимоий меҳнат тақсимоти. Д)
- Рақобат.

13. Корхона (фирма) фойдаси нима?

- A) Фойда – бу соф маҳсулот қиймати
- B) Фойда – бу қўшимча маҳсулот қиймати
- C) Фойда – бу умумий даромаднинг бир қисми
- D) Фойда – бу қўшимча қиймат.

14. Макроиктисодий мувозанат нима?

- A) Жами талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат
- B) Жами талаб ва баҳо ўртасидаги мувозанат
- C) Жами талаб ва иш ҳақи ўртасидаги мувозанат
- D) Жами таклиф билан баҳолар ўртасидаги мувозанат.

15. Акционерлик жамиятида даромад қандай тақсимланади?

- A) Аъзолар ўртасида тенг тақсимланади
- B) Сарф қилинган меҳнатига қараб тақсимланади
- C) Ҳар бир аъзонинг кўшган пул маблағлари миқдорига қараб
- D) Акционерлик жамияти умумий йиғилиши қарорига ва акциянинг сонига қараб.

16. Сизнинг фикрингизча, қуйидагиларнинг қайси бири фирманинг коммерция сири ҳисобланади?

- A) Фирманинг молиявий яқунлари
- B) Маҳсулот таннархи
- C) Фирмалар билан тузилган битимлар
- D) Фирма томонидан товарларни этказиш ёки хизмат қилиш тартиби.

17. Сохибкор ким?

- A) Бошқарувчи
- B) Менежер
- C) Эгалик қилувчи
- D) Фойда олиш мақсадида таваккал қилиб иш юритувчи шахс.

18. Ялпи даромад нима?

- A) Маҳсулотни сотишдан келиб тушган даромад
- B) Маҳсулотни сотишдан келиб тушган тушум билан ҳаражатларнинг айир-маларидан қолган миқдор

- С) Қўшимча маҳсулотни сотишдан келиб тушган тушум
- Д) Маҳсулотни сотишдан келиб тушган маблағдан солиқлар суммасини олиб ташлангандан кейин қолган қиймат.

19. Бозор тузилиши деганда нима тушунилади?

- А) Талаб ва таклифни бир-бирига қўшувчи механизм
- В) Фирманинг ўртача ҳаражатлар даражаси
- С) Таклиф ва талабнинг эгилувчанлиги
- Д) Бозор рақобати ва бошқа жараёнлар амалга ошадиган шароит.

20. Нарх нима?

- А) Товарнинг қиймати
- В) Иқтисодий восита
- С) Иқтисодий тарбиялаш
- Д) Товар қийматининг пулдаги ифодаси.

21. Қандай қонун асосида бозорда нарх шаклланади?

- А) Қиймат қонуни
- В) Нарх қонуни
- С) Талаб қонуни
- Д) Талаб ва таклиф қонуни.

22. Ер рентаси нима?

- А) Ер участкасининг баҳоси
- В) Ерларга ишлов бериш ҳаражатлари
- С) Етиштирилган ҳосилни сотишдан келган даромад
- Д) Ердан маълум муддатга фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ.

23. Ер рентаси миқдорини аниқловчи омиллар нима?

- А) Ерга талаб
- В) Ернинг таклифи
- С) Ернинг табиий ҳолати
- Д) Ернинг чекланганлиги.

24. Аҳоли даромадлари нима?

- А) Иш ҳақи
- В) Иш ҳақи ва ижтимоий нафақалар
- С) Ўз эҳтиёжини қондириш учун аҳоли ихтиёридаги моддий воситалар
- Д) Маълум бир вақт ичида (масалан: бир ой ёки бир йил) аҳоли томонидан олинадиган пул маблағлари суммаси.

25. Иш ҳақи нима?

- A) Иш кучи қиймати
- B) Иш кучининг истеъмол қиймати
- C) Иш кучининг қиймати ва истеъмол қиймати
- D) Иш кучи ишлаб чиқарган маҳсулот қиймати.

26. Бозор иқтисодиёти шароитида юқори иш ҳақи нимага боғлиқ?

- A) Иш ҳақининг энг кам даражасига
- B) Ҳукумат чораларига
- C) Меҳнат унумдорлигига
- D) Корхоналар раҳбарияти масъулиятига

27. Менежмент нима?

- A) Ишлаб чиқаришни бошқариш
- B) Муомалани бошқариш
- C) Ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайтириш
- D) Савдони бошқариш.

28. Менежментнинг моҳияти нима?

- A) Корхона ишлаб чиқариш фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш
- B) Ишлаб чиқаришда банд бўлган ишчиларни ижтимоий ҳимоялашни таъминлаш
- C) Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш билан бевосита банд бўлган ишчилар меҳнатининг самарадорлигини таъминлайди
- D) Корхонанинг ижтимоий самарадорлик шаклини таъминлайди.

29. Маркетинг нима?

- A) Меҳнат ресурслари сотишни ташкил этиш
- B) Ишлаб чиқариш воситалари сотишни ташкил этиш
- C) Истеъмол буюмлари сотишни ташкил этиш
- D) Бозорни ташкил этиш.

30. Маркетингнинг моҳияти нима?

- A) Бозорни ўрганиш ва унга мослашиш
- B) Ишлаб чиқаришни ўрганиш
- C) Савдони ўрганиш
- D) Бозор таркибини аниқлаш.

31. Биржада товарлар қандай йўл билан сотилади?

- A) Чакана савдо қилиш йўли билан;
- B) Нақд пулга кўтара савдо йўли билан;

- C) Ҳам кўтара ҳам чакана савдо йўли билан
- D) Тузилган битим асосида.

32. Интенсив ўсиш нима?

- A) Кўшимча пул ресурсларини жалб этиш
- B) Ишчилар сонини кўпайтириш
- C) Янги корхоналар куриш
- D) Янги техника ва технологияни қўллаш орқали мавжуд ресурслардан сама-рали фойдаланиш;

33. Экстенсив ўсиш нима?

- A) Экин майдонларни кенгайтириш
- B) Ишлаб чиқаришга ишчи кучларини жалб қилишни ошириш
- C) Ишлаб чиқариш воситаларини кўпайтириш
- D) Ишлаб чиқариш жойларини кенгайтириш.

34. Миллий бойлик нима?

- A) Ишлаб чиқарилган ижтимоий маҳсулот;
- B) Жами миллий даромад;
- C) Асосий ва айланма фондлар;
- D) Жамият ихтиёридаги таббiiй ва илгариги меҳнат билан яратилган бой-ликлар.

35. Пул нима?

- A) Пул-қиймат ўлчови
- B) Капитал қўймалар, ижтимоий таклиф ва талабни белгиловчи
- C) Инвестиция чегарасини ҳамда истеъмол ва ижтимоий талабни белгиловчи;
- D) Ҳисоб-китоб, алмашинув ва жамғарма вазифаларини бажарувчи нарсадир.

36. Пул бозорида мувозанат нимага тенг?

- A) Муомалага чиқарилган пул миқдорига
- B) Муомалага чиқарилган товарлар миқдорига
- C) Талаб ва таклиф муносабатларига
- D) Пул талаби билан таклиф ўртасидаги мувозанатга боғлиқ.

37. Пул инфляциясида аҳолининг қайси қисми кўпроқ зарар кўради?

- A) Ишлаб чиқарувчилар
- B) Ютуқли пул заёмлари эгалари
- C) Қарз олувчилар
- D) Нафақахўрлар.

38. Кредит нима?

- А) Ортиқча тўпланган пул;
- В) Қарз бериш;
- С) Қарз олиш;
- Д) Муайян муддатга, маълум бир фоиз ҳисобига қарз бериш.

39. Кредит қандай шартга асосан берилади?

- А) Кредит бериш вақти, ҳақ тўлаш ва қайтариш
- В) Фойдалилиги, ҳақ тўлаш вақти
- С) Фоизсиз, вақтида қайтариш
- Д) Вақт чегараланмаган қайтариш, тўлаш.

40. Кредит тизими нима?

- А) Пулларнинг банкларда жамғарилиши
- В) Банклардаги пулларнинг халқ хўжалиги тармоқларига фойдаланиш учун тақсимланиши
- С) Банклар томонидан фойдаланиш учун бериладиган пуллар устидан бериладиган пуллар устидан назорат қилиш
- Д) Молия-кредит муассасалари мажмуи.